

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Фарғона давлат университети

қўлёзма ҳуқуқида
УДК

Сайдалиев Зиёд Бахтиёрович

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ
худудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада
ривожлантириш масалалари**

5A340102 – Тармоқлар иқтисодиёти (қишлоқ хўжалиги) мутахассислиги

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари
номзоди Б.Холматов

Фарғона – 2012

Мундарижа

Кириш.....	3 бет.
1-Боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқда ижтимоий инфратузилма амал қилишининг хусусиятлари.....	8 бет.
1.1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва таркибий тузилиши.....	8 бет.
1.2. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари.....	14 бет.
1.3. Инқироз даврида қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг алоҳида хусусиятлари.....	20 бет.
2-Боб. Мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш тенденциялари.....	24 бет.
2.1. Хизмат соҳасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислохотлар самараси.....	24 бет.
2.2. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларининг яратилиш ҳолати.....	38 бет.
2.3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	46 бет.
3-Боб. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасида хизматлар соҳасини янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари.....	58 бет.
3.1. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги истиқболли вазифалар.....	58 бет.
3.2. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини оширишда давлат дастурларининг аҳамияти.....	61 бет.
3.3. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш йўллари.....	67 бет.
Хулоса ва таклифлар.....	71 бет.
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	79 бет.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган корхоналарда иқтисодий самарадорликни таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилгандир.

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислохотлар кўп жиҳатдан юртимиз аҳолисининг аксарият қисми яшайдиган қишлоқларимизни обод ва фаровон этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш билан узвий боғлиқдир. Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ аҳлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

Бугунги иқтисодиётимизда ва ижтимоий турмушда, бинобарин, сиёсатимизда ҳам қишлоқ соҳаси халқимизнинг фаровон ҳаёти, республикамизнинг тараққиёти ва ўсиш суръатларини ҳал қиладиган муҳим тармоқдир. Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, дунёнинг аксарият мамлакатларида қишлоқ хўжалиги давлат иқтисодиётининг асосини ташкил қилишини кузатиш мумкин. Хусусан, Жаҳон Савдо Ташкилотининг маълумотига кўра, бугунги кунда 50 дан ортиқ ривожланаётган давлатлар экспортининг учдан бир қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 40 га яқин ривожланаётган давлатларнинг экспортдан келадиган даромадининг тенг ярмини айнан қишлоқ хўжалигидан келадиган даромад ташкил қилади. Ва айти пайтда, нафақат, ривожланаётган давлатлар, балки бир қатор ривожланган давлатларда ҳам қишлоқ хўжалиги иқтисодий ўсишнинг асосини ташкил қилади. Бу эса айнан қишлоқ жойларда

яшаётган аҳолининг турмуш даражасининг ортишини ва ижтимоий эҳтиёжларнинг янада тўлиқроқ қондирилишини талаб қилади.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан кўринадики, бугунги бозор шароитида қишлоқ жойларда аҳолига ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган хизматлар кўрсатувчи инфратузилма фаолиятини ривожлантириш мамлакатимиз олдида турган бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади ва шунинг учун ушбу мавзу магистрлик диссертацияси мавзуси сифатида танланди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва фаолият самарадорлигини ошириш масаласи мамлакатимизнинг кўплаб олимлари томонидан ўрганилган.

Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ миллий тизимнинг шаклланиши асосчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ҳисобланади. Президентимиз томонидан яратилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг миллий моделида қишлоқ ижтимоий инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жуда яхши талқин этилган.

Шу билан бирга, иқтисодчи олимлар А.Абдуғаниев, Б.Салимов, Р.Хусанов, Р.Ҳакимов, Н.Ўрақовларнинг илмий тадқиқот ишларида қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мавзуси турли даражада ўрганилган.

Биз ушбу олимлар назарий тадқиқотларининг республика ва Фарғона вилоятидаги ҳолатини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Магистрлик диссертациясининг илмий-услубий ва методологик асослари. Магистрлик диссертациясини тайёрлашда мавзуга тегишли Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Давлат дастурлари, меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий ва ўқув-услубий адабиётлар, илмий монографиялар, илмий мақолалар, Ўзбекистон

Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий нашрлари, Фарғона вилояти Статистика бошқармаси ва Иқтисодиёт Бош бошқармасининг йиллик расмий нашрларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Магистрлик диссертациясининг асосий мақсади – жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришнинг самарали йўналишларини аниқлашдан иборат.

Магистрлик диссертациясини бажаришда қуйидаги **асосий вазифаларни** бажариш мўлжалланган:

1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятини назарий жиҳатдан ўрганиш;
2. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини таҳлил қилиш;
3. Инқироз даврида қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг алоҳида хусусиятларини кўриб чиқиш;
4. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислохотларни танқидий баҳолаш;
5. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларининг яратилиш ҳолати ва хизматлар соҳасининг ривожланишини амалий маълумотлар асосида таҳлил қилиш;
6. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини оширишда мамлакатимизда амалга оширилаётган Давлат дастурларининг аҳамиятини аниқлаш ва баҳолаш ва бошқалар.

Қишлоқ ҳудудларда яратилган ижтимоий инфратузилма тизимларидаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар **тадқиқотнинг предмети** ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида, жумладан, Фарғона вилоятида яратилган ва шакллантирилаётган қишлоқ ижтимоий инфратузилма тизимлари танланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- қишлоқда ижтимоий инфратузилма амал қилишининг айнан жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитидаги хусусиятлари талқин қилинган;
- мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш тенденциялари танқидий таҳлил қилинган;
- қишлоқ ижтимоий инфратузилмасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришнинг истикболли йўналишлари белгилаб берилган.

Тадқиқот ишини назарий ва услубий асослари. Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари бўлиб, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини шакллантиришга оид стратегик мақсадларни ва йўналишларни ўзида жамлаган илмий асарлари, бугунги кунда республикаимизда амал қилаётган қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма тизимлари фаолиятини ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, етакчи иқтисодчи олимларнинг дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий монографиялари ҳамда илмий адабиётлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Давлат мулк қўмитаси маълумотларидан манба сифатида фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, учта боб ва хулоса қисмидан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг бугунги кундаги долзарблиги асосланиб, уни бажаришдан асосий мақсад ва вазифалар асосланган. Шу билан бирга, кириш қисмида магистрлик диссертациясининг қисқа мазмуни берилган.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида ижтимоий инфратузилманинг моҳияти, вазифалари, таркиби, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ташкилий-

иқтисодий асосларини назарий ва услубий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилинган.

Иккинчи бобда эса мамлакатимиз қишлоқларида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган.

Учинчи бобда эса мамлакатимизда амалга оширилаётган Давлат дастурларида ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимларининг ривожлантирилиш йўналишлари ва уларнинг амалга оширилиши натижасида эришилиши мумкин бўлган натижалар прогноз қилинган.

Магистрлик диссертациясининг хулоса қисмида ўрганилган назарий ва амалий маълумотлар асосида жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси таркибидаги хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚДА ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Ижтимоий инфратузилманинг моҳияти ва таркибий тузилиши

Ижтимоий инфратузилма жуда кенг таркибга эга. Бугунги кунда инсон ҳаётини енгиллаштиришга, унинг вақтини тежашга ижтимоий инфратузилманинг таъсири катта. Инфратузилма аҳолини иш билан таъминлашда ҳам нисбатан жуда катта имкониятларга эга. Ижтимоий инфратузилма ҳалқнинг турмуш даражасини кескин оширадиган соҳалардан биридир.


Қишлоқнинг ривожланишини ижтимоий инфратузилмасиз тасаввур этиш қийин бўлиб, унга қуйидаги соҳалар киради:

- аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими;
- йўловчи ташиш тизими;
- алоқа хизмати;
- уй – жой хўжалиги;
- мактабгача таълим тизими;
- таълим тизими;
- соғлиқни сақлаш тизими;
- аҳолини табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминлаш тизимлари;
- спорт-соғломлаштириш тизими;
- коммунал хизматлар;
- маданий –маиший хизматлар тизими ва бошқалар.

Ижтимоий инфратузилма жуда мураккаб таркибга эга. Ижтимоий инфратузилма маълум мақсадларги йўналтирилган бўлиб, ҳудудий жойлашуви, ишлаб чиқаришда иштирок этиш хусусиятларига кўра

таснифланади. Ижтимоий инфратузилмани хизмат кўрсатиш объектларига кўра икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ. Ижтимоий инфратузилмани қуйидагича ифодалаш ҳам мумкин. (1-расм)

Ижтимоий инфратузилманинг таркиби¹



1-расм.

Ижтимоий инфратузилма ўз моҳиятига кўра, инсонларнинг турмушини энгиллаштирадиган соҳадир. Уларнинг асосий мақсади – инсонни жисмоний

¹ Б.Салимов ва бошқ. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. Т.: 2004 й.

ва маънавий қобилиятларини, кучларини қайта тиклаш ва уларнинг янада ривожланишини таъминлашга хизмат кўрсатишдир.

Мамлакатимизда, унинг ҳудудларида ижтимоий инфратузилманинг ривожланиш даражаси турлича. Йирик шаҳарлар ва йирик транспорт узелларига яқин жойлашган ҳудудларда ижтимоий инфратузилма нисбатан яхши ривожланган. Бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, янгидан янги ижтимоий инфратузилма хизмат турлари вужудга келмоқда. Айрим турлар эса йўқолиб бормоқда. Бу, умуман олганда, тўғри қонуниятдир.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида ижтимоий инфратузилма катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий инфратузилмасиз қишлоқ хўжалигининг ўзи ўам мўътадил фаолият юритиши мумкин эмас. Ижтимоий инфратузилма агросаноат мажмуасида ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ташкил этилишига, унинг барқарор ишлаши учун шароит яратади. Агарда ҳар бир корхона барча иш ва хизматларини ўзи бажаришга ҳаракат қилса, бу жуда қимматга тушади. Кўп ҳолатларда буни амалга ошириш мумкин ҳам эмас. Бу иш ва хизмат турларини бир хўжалик бажариши учун қанчадан-қанча мутахассис, транспорт, техникалар ва бошқа ресурслар керак. Бу хизматларни ташкил этиш учун хўжаликда мутахассислар, молиявий ресурслар етарли эмас. Чунки айрим хизмат турлари таъминоти бир хўжалик учун эмас, балки юзлаб, минглаб ташкилотларга хизмат кўрсатади. Масалан, электр билан таъминлаш ва ҳ.к. Уларни ҳар бир хўжалик ўзи аҳолида ташкил эта олмайди. Шу сабабли ҳам бу иш ва хизмат турлари аҳолида мустақил тизимларни ташкил этади.

Қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси иқтисодиётда катта ўринни эгаллайди. Энг аввало, бу иш ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг ривожланишга олиб келади. Иқтисодиёт ривожланган сари эса, инфратузилма хизматларига талаб ортади. Натижада, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ошади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг катта қисми инфратузилмага ишга жойлашади. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда жами ишлаётганларнинг 60-70 фоизи хизмат кўрсатиш тизимида ишлайди.

Бизда эса бу кўрсаткич 14 фоиздан камроқ. Натижада қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзига хос бўлмаган кўпгина хизмат турларини ўзлари бажарадилар. Шу боис ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кутулган даражада ижобий эмас.

Инфратузилма қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, қишлоқ хўжалиги тармоқларини аста-секин айрим хизмат кўрсатиш функцияларидан озод қилади. Бу хизматлар ихтисослашган инфратузилма корхона ва ташкилотлари томонидан бажарилади. Албатта, бу иқтисодий самарадорликнинг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги ҳам асосан ишлаб чиқариш жараёни билан шуғулланади. Натижада барча ишларнинг ўз агротехник муддатларида сифатли бажарилиши таъминланади. Лекин ҳозирда инфратузилма бажариши керак бўлган жуда кўплаб иш ва хизматлар қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан бажарилмоқда. Бу, ўз навбатида, айрим ишларнинг сифатсиз ва катта харажатлар эвазига бажарилишига олиб келмоқда. Иккинчи томондан, мавжуд инфратузилма ҳам самарали ва сифатли фаолият кўрсатади. Шулардан бири кўрсатилаётган хизматлар базорида рақобат муҳитининг пастлиги, кўпгина ҳолларда умуман йўқлиги, хизматлар сифатининг жуда пастлигидир. Шу сабабли бу борада ҳам қилинадиган ишлар жуда кўп.

Республикада қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси маълум даражада ривожланган. Айниқса, бу масалаларга мустақиллик йилларида катта эътибор берилди. Натижада аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 83 фоиз, табиий газ билан таъминланиш даражаси 81 фоизга етди. Бу йўналишдаги ишлар давлатнинг қаттиқ назорати остида ривожлантирилмоқда.

Ривожланган давлатларда бозор иқтисодиётининг даражаси фақат ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиш кўрсаткичлари билан эмас, балки айни вақтда халқнинг хизмат турларидан қай даражада фойдаланаётганлиги билан

хам баҳоланади. Чунки аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири хизматлар кўрсатиш даражасидир.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш билан боғлиқ муаммонинг ечилишига салбий таъсир кўрсатадиган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бу соҳа меҳнати унумсиз деб қаралиб, моддий ишлаб чиқаришга соҳасига кўпроқ эътибор бериш сиёсати;
- аҳоли жон бошига тўғри келадиган жами миллий маҳсулот ҳажмининг юқори эмаслиги. Агар ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 30-40 минг АҚШ долларни ташкил этса, Республикамизда 90-йилларнинг бошига келиб, 1,5 минг сўмни ташкил этган, 2005 йилга келиб 381,8 минг сўмни ташкил этди;
- меҳнат тақсимотини маълум ҳудуд манфаатларининг устунлиги асосида ташкил этилганлиги;
- аҳолининг реал даромади талабнинг пастлигини таъминлайди;
- давлатнинг иқтисодий монополистик ҳукмронлиги бу соҳанинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин;

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳукумати ушбу салбий омилларнинг таъсирини кескин камайтириш ва иқтисодий ривожланиш жараёнида уларни бутунлай ижобий ечиш сиёсатини олиб бормоқда.

Республика аҳолисининг уй-жой фонди билан таъминланиш даражаси йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси аҳолиси уй-жой фонди билан яхши таъминланган мамлакатлар қаторига киради. Биргина 2008 йилда аҳолининг уй-жой фонди 6,0 млн. кв.м га кўпайди ва 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига 379,6 млн.кв.м.ни ташкил этди. Республика аҳолисининг уй-жой фонди билан таъминланиш даражаси аҳоли жон бошига ўртача 14,5 кв.м.ни ташкил этди. Қишлоқ жойларда бу кўрсаткич 14,2 кв.м.ни ташкил этмоқда. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси тиббиёт ташкилотлари белгилаган меъёр даражасида. Бу ҳолат

аҳолининг меҳнатдан кейин ўз кучларини тез ва сифатли тиклашига замин ҳисобланади.

Республикада аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тизими ҳам жадал ривожланиб бормоқда. 2010 йилда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 2009 йилга нисбатан 15 фоизга ўсди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тизими бозор талабларига табора яхши мослашиб бормоқда. Унинг таркибида нодавлат секторнинг улуши ўсиб бормоқда. 2009 йилда аҳолига жами кўрсатилган пуллик хизматларнинг 28,3 фоизи давлат мулкига асосланган пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан, 71,7 фоизи нодавлат сектор корхоналари томонидан кўрсатилди. 2010 йилда аҳолига кўрсатилган жами пуллик хизматларнинг 74,3 фоизи нодавлат ва 25,7 фоизи давлат мулкига асосланган корхоналар томонидан кўрсатилди. 2010 йилда аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш 2009 йилдаги кўрсаткичдан 13,6 фоизга кўп бўлди.

Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш даражаси ўсиб бориши кузатилмоқда. Аҳоли пул даромадларининг шаклланишида иш ҳақидан ташқари манбаларнинг ўрни катта бўлмоқда. Бу жараённинг ижобий томони аҳоли пул даромадларининг учдан бир қисми хусусий мулклардан фойдаланиш ва тадбиркорлик фаолиятидан олинаётганлигидадир.

Ижтимоий инфратузилма бозор иқтисодиёти талаблари асосида объектив равишда доимо ривожланиб боради. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг зарурати қишлоқ жойларда янгидан-янги хизмат турларининг вужудга келишини рағбатлантиради ва аксинча.

Аҳолининг иш билан таъминланиш даражасини ошириш мақсадида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш лозим. Бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли пунктларининг асосий қисми газ, ичимлик суви билан таъминланмоқда, деярли барчасида қишлоқ амбулаториялари ташкил этилди. Бу эса, янги иш ўринларини пайдо этмоқда. Қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини (тери, жун, курук мевалар ва ҳ.к.) тайёрлайдиган хусусий тадбиркорлар гуруҳи шаклланимуда.

Аҳолининг маҳсулот ва хизматларни харид қилиш қувватини ошириш ижтимоий инфратузилма ривожланишини таъминловчи энг асосий омиллардан биридир. Бу борада катта ишлар қилиниши лозим. Бу муаммо ижобий ҳал этилмагунча ижтимоий инфратузилма ҳам мўътадил ривожланмайди. Албатта, аҳолининг харид қобилиятини ошириш ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янгидан – янги ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш каби иқтисодий аҳамияти катта фалолиятлар асосида олиб борилиши кераклигини унутмаслик лозим. Мамлакатда иқтисодиётнинг юксалиши даражасини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг харид қобилиятини ўстириш талаб қилинади. Акс ҳолда инфляция даражаси кескин ошиши ва жуда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, умуман, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига олиб келади. Инфратузилманинг ривожини кўп жиҳатдан у давлат томонидан қўллаб – қувватланишига боғлиқ. Чунки ижтимоий инфратузилманинг шундай йўналишлари мавжудки, уларни бирорта ишбилармон ўз фаолият турига айлантира олмайди. Шундай экан, бу харажатларни давлат томонидан қоплаш зарурияти бор. Ҳамма фойдаланадиган бу турдаги ижтимоий харажатларга давлат томонидан қилинадиган сарфлар миқдори ҳам ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг бир йўналишидир.

1.2. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини шакллантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 феврида бўлиб ўтган мажлисидаги

маърузасида энг муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта қўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

Албатта, ушбу вазифаларни бажариш қишлоқ жойларида фаолият юритаётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам бир қатор вазифаларни юклайди.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан қафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам қишлоқни ижтимоий ривожлантиришни бошқаришда муҳим ўрин эгаллайди десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши қишлоқларимиз, қолаверса, мамлакатимиз ҳаёти учун муҳим воқеа бўлди. «Қишлоқ тарақиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида қишлоқ хўжалиги корхоналарини ислоҳ қилиш ва шу асосда деҳқон меҳнатининг нуфузини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида қулай иш ҳамда турмуш шароитларини таъминлаш энг асосий масалаларидан бири қилиб белгиланди.

Албатта, мазкур Давлат дастури бўйича қишлоқларни ижтимоий ривожлантириш борасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, энг аввало, молиявий маблағлар зарур. Шу боисдан, Давлат дастурида белгиланган ҳар бир чора-тадбирлар бўйича бажариш муддатлари, масъул

ижрочилар билан бир қаторда, харажатлар ва молиялаштириш манбалари аниқ белгилаб қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Мазкур бандларнинг назарда тутилгани эса, Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ҳамда унда белгиланган молиявий маблағларнинг мақсадли сарф қилинишига олиб келади.

Давлат дастурида назарда тутилган бандлар мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқни ижтимоий ривожлантиришнинг асосий молиявий манбалари қуйидагилар ҳисобланишини таъкидлаб ўтиш жоиз:

- **биринчидан**, давлат бюджетидан, шу жумладан, республика ҳамда маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

- **иккинчидан**, муассисларнинг шахсий маблағлари;

- **учинчидан**, банклар томонидан ажратиладиган маблағлар, шу жумладан, кредитлар;

- **тўртинчидан**, корхоналар томонидан ажратиладиган маблағлар;

- **бешинчидан**, халқаро молия институтлари (жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тараққиёт уюшмаси, Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕК, СФР) қамда хорижий банклар (хусусан, Жанубий Кореянинг Эксимбанки, Германия тараққиёт банки) томонидан ажратиладиган маблағлар ва кредитлар;

- **олтинчидан**, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар томонидан ажратиладиган маблағлар;

- **еттинчидан**, бевосита қишлоқ аҳолиси томонидан ажратиладиган маблағлар.

Маблағларнинг ким томонидан ажратилиши Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланганлигига эътиборни қаратиш муҳим ҳисобланади. Хусусан, қишлоқ аҳолиси маблағлари 2009 йилда қишлоқ жойларида умумий майдони 7100 минг кн. м. уй-жой фойдаланишга топширилишини таъминлаган ҳолда 2009-2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқжойларда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, умумий

майдони камида 500,0 минг кв. метр якка тартибдаги уй-жойни капитал таъмирлашга кредит бериш ҳисобига қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ аҳолисининг, энг аввало, ёшларнинг театр ва концерт томошалари, музейлар ва бошқа тарихий жойларга боришини ташкил этиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш учун жалб этилиши белгиланганлиги, ҳомийларнинг маблағлари эса ижтимоий аҳамиятга бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жалб этилишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда айти пайтда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида аграр соҳадаги ўзгаришларга муҳим эътибор қаратилмоқда, уни ривожлантиришга молиявий маблағлар ажратилмоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда фермер хўжаликлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижалари фақатгина аграр сектор ва унинг асосий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғига боғлиқ бўлмай, балки унда ёрдам берувчи тармоқ ва соҳалар фаолияти билан узвий боғлиқдиги ҳам намоён бўлмоқда. Бу ўринда, қишлоқда ишбилармонликни, фермер хўжаликлари ва кичик корхоналарни ривожлантиришга амалий жиҳатдан молиявий мадад бериш мақсадида, «Микрокредитбанк» махсус акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. Унинг асосий вазифалари сифатида фермер ва деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича минитехнологияларни, чорва мол, уй паррандалари, уруғлик ва кўчатлар сотиб олишга, қишлоқ, хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, суғориш, тупроққа ишлов беришнинг замонавий технологияларини жорий этишга микрокредитлар ажратиш ва микролизинг бўйича хизмат кўрсатиш эканлиги белгиланди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ жойларига замонавий минитехнологияларнинг кириб келишига, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарилишининг ошишига ёрдам беради.

Шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олиб уни босқичма-босқич амалга ошириб бормоқда. Бу ўринда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат

дастури ва унда белгиланган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш учун молиявий маблағларнинг назарда тутилганлиги, ўз навбатида уларнинг мақсадли сарфланиши орқали қишлоқни янада ижтимоий ривожлантиради десак, муболаға бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг яшаш шароити ва фаровонлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий-маданий муассасалар тармоқларини қишлоқ жойларида ривожлантириш, мазкур муассасалар томонидан кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш соҳалари доирасини кенгайтириш каби масалалар бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилди. Зеро, қишлоқни ижтимоий-маданий ривожлантириш, нафақат, маънавий, балки сиёсий-иқтисодий аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади. Албатта, қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-маданий соҳаларнинг мамлакатимизда яратилган ҳуқуқий база асосида тартибга солинишини тўлиқ равишда таъминлаш объектив заруриятдир.

Қишлоқни ривожлантиришни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асослари такомиллашиб бормоқда ва бу борадаги қонун ҳужжатлари амалиётда самарали татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги (1993 й.), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (1999 й.), «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги (2000 й.) каби Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ 3154-сонли, 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ 3481-сонли Фармонлари, 2005 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ 191-сонли, 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини

ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ, 325-сонли, 2006 йил 30 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ, 381-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 640-сонли, 2008 йил 2 июндаги «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида болалар сув спортини ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустақкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 883-сонли, 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ 910-сонли, 2009 йил 30 мартдаги «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорлари ана шундай асослар жумласидандир. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мамлакатимизда ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланганлигини ва энг асосийси, ушбу тадбирларнинг қишлоқ ҳаёти билан чам-барчас боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқларни ижтимоий-маданий ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимият органлари, яъни ҳокимларнинг ўрни долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида ижтимоий-маданий аҳамиятга эга бўлган вазифалар ўз аксини топган. Бу ўринда туризмни ривожлантиришнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш; ўз ҳудудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлаш ҳамда уларни ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, асраш ва улардан фойдаланиш; жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминлаш каби вазифалар ҳақида сўз юритиш зарурдир.

Шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-муҳаббатни сингдиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ 3154-сонли Фармони қишлоқни ижтимоий-маданий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида болалар спортини аниқ мақсад йўлида барқарор авж олдиришга кўмаклашишда муҳим кукукий асос бўлди десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, мазкур Фармон билан тузилган Жамғарманинг асосий вазифаларидан бири сифатида қишлоқ жойларда болалар жисмоний тарбия ва спортининг моддий базасини шакллантириш, аҳоли манзилгоҳларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуналари ҳамда анжомлари билан жиҳозлаш, улардан самарали фойдаланишни таъминлашга кўмаклашиш бўйича зарур молиявий ва моддий маблағларни жамлашнинг белгиланганлиги қишлоқ жойларида ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини таъминлашда катта роль ўйнади.

1.3. Инқироз даврида қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг алоҳида хусусиятлари

Инқироз йилларида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалардан бири қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер

хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Айни пайтда мазкур устувор йўналиш ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури нафақат 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олинган.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш ҳамда қишлоқларимиз киёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар ичида энг аввало қишлоқда яшаётган аҳоли манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонуний-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Чунки, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг амал қилиш самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини уйғунлаштирувчи яхлит механизмнинг тўғри ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Бу борада фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисида, сув ва сувдан фойдаланиш қонунларига, Ер кодексига ва бошқаларга қўшимча киритиш ва кўриб чиқиш лозим бўлмоқда.

Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги ҳамда «Деҳқон хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини самарали йўлга қўйиш, унда хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган шакллари қарор топтириш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос ролини бажарди. Бироқ, мамлакатимиздаги фермер ва деҳқон хўжаликлари ўзининг янада ривожланиши учун янги шарт-шароитларни, имтиёз ва рағбатлантирувчи омилларни белгилаш, иқтисодий дастак ва механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси энг аввало ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунларда ўз ифодасини топмоғи лозим.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт табиий ресурслар, энг аввало, уларнинг қайта тикланмайдиган турлари ҳисобланувчи ер ва сув ресурсларидан тежамли ва эҳтиёткорона фойдаланиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Маълумотларга кўра, агар мамлакатимизда 1996 йилда 1 кишига тўғри келувчи экин майдони 0,171 гектарни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб

бу кўрсаткич 0,136 гектаргача, яъни 1,3 марта қисқарган. Бу эса Ер кодекси, сув ва сувдан фойдаланиш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш заруратини оширмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги аҳамиятидаги ерларнинг ушбу мақсадда фойдаланиш доирасидан чиқиб кетиши жараёнларини тартибга солишда ер участкаларини ноқишлоқ хўжалик мақсадларига ажратиб бериш бўйича низом ишлаб чиқилди.


Шунингдек, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришда қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш тизимини ва қурилишни тубдан такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, қишлоқ яшаш жойларини бош схема ва архитектура лойиҳалари асосида қуриш, махсус лойиҳалаштириш ташкилотини, махсус қишлоқ қурилиш банки, махсус қурилиш ташкилотларини ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари амалга жорий этилди.

Жумладан, қишлоқда аҳоли жойлари архитектураси ва қурилишни лойиҳалаштиришни тубдан такомиллаштиришда намунали қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий объектларини қуриш лойиҳалари табиий иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Бу борада намунали уй-жойлар лойиҳаларини эксперимент сифатида Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақолпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида янги илғор қурилиш технологиялари асосида амалга оширилганлиги эътиборга моликдир.

Қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш кўп жиҳатдан аҳолининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтариш билан боғлиқдир. Бу эса, биринчи навбатда, инвестиция дастурлари асосида соғлиқни сақлаш муассасаларини тиббиёт техникаси ва аппаратуралар билан таъминлашни тақозо этади.

Қишлоқ жойларида таълим тизими ва болалар спорти моддий-техник негизини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб объектлар ишга туширилмоқда (2-расм).

Инқироз йилларида қишлоқ жойларида ишга туширилган таълим тизими ва болалар спорт объектлари²



2-расм.

Бу эса қишлоқларимиздаги ёшларнинг кенг ва ёруғ биноларда, замонавий жиҳозлар билан таъинланган ўқув хоналари ва лабораторияларда билим олишлари ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун моддий асос яратди.

Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш, маданиятини ошириш, таълим тизими сифатини янада кўтаришда қуйидаги йўналишлардаги ишлар кучайтирилди:

- қишлоқ жойларда жойлашган меҳрибонлик ва мурувват уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ аҳолисининг соғлиғини сақлаш бўйича маданиятини ошириш, жумладан профилактика ва тарғибот ишларини кучайтириш;
- халқаро грантлар асосида мактаб, академик лицей ва коллежлар ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва коллежларидаги ахборот ресурс марказларини халқаро интернет тармоғига улаш ва ҳ.к.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.

2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Хизмат соҳасини юксалтиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар самараси

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаётини оширишга, турмуш тарзини яхшилаш ва такомиллаштиришда хизмат кўрсатиш соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Хизмат кўрсатиш соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, инсоннинг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги оқилона бўлмаган харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада шинам ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, қатламларининг ҳаётий манфаатларини юзага чиқаради.

Хизматларга купинча моддий қимматдорликлар яратмайдиган барча фойдали фаолият турларини киритишади, яъни у ёки бу фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ҳис қилиб бўлмаслик, ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери ҳисобланади. Амалиётда хизматлар соҳаси кўплаб фаолият турларининг мажмуаси сифатида ва ҳақиқатда уларни қайд этишдан иборат деб қаралади. Бу ҳолат хизматларнинг турли туманлиги, ҳамда уларнинг товарлар билан бирга ҳамроҳ бўлиши (ҳисобот, компьютер дастури, кинолента ва х.к.) билан боғлиқдир.

Хизматларни асосан ҳис қилиб бўлмайди ва улар бирор бир нарсага эгаликка олиб келмайди (яъни, товар харид қилганда сиз унинг соҳиби бўласиз, лекин хизматлар тўғрисида бундай деб бўлмайди). Бу ҳолат биринчи навбатда жаҳон хизматлар савдосида катта ҳиссага эга бўлган хизматларни ажратиб кўрсатиш билан боғлиқдир. Жумладан, транспорт хизматлари ва туризмга хизматлар билан савдо қилишнинг 1/4 қисми тўғри келади.

Жамиятда доимо янги хизматлар пайдо бўлмоқда ва уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

❖ янги турдаги ишбилармонлик (касбий) хизматлари - кўчмас мулк билан савдо қилиш, вақтинчалик эркин пулларни жойлаштириш, ахборот, маркетинг ва реклама хизматлари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларни тузиш, электрон котиба;

❖ болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича хизматлар - гувернанткалар, хусусий боғчалар ва мактаблар;

❖ хайвонларга қараш бўйича хизматлар - хайвонларни даволаш, боқиш, сайр қилдириш ва вақтинчалик қараб туриш;

❖ жамиятда эҳтиёж мавжуд бўлган бошқа турли туман хизматлар турлари.

Бир вақтнинг ўзида дунёда хизматларнинг диверсификацияси ҳам кузатилмоқда. Илгари ўз хусусиятлари билан ажралиб турган хизматлар битта компания микёсида бирлашмоқдалар. Корхоналар бир қатор хизматлар мажмуасини таклиф этиш орқали ўз рақобатбардошлигини ошириши ёки хизматларни диверсификациялаш орқали мумкин бўлган таваккалчиликларни сусайтириши мумкин. Жумладан, банк, биржа ва воситачилик хизматлари ягона молиявий хизматлар мажмуасига бирлашишмоқда. Хизматлар соҳаси моддий ишлаб чиқаришга қараганда бир қатор ўз хусусиятларига эга ва улар қўйидагилардан иборатдир:

Биринчидан: товарларлардан фарқли равишда хизматлар бир вақтда ишлаб чиқарилади ва бир вақтда истеъмол қилинади ва сақланмайди. Бу ҳолат хизматларга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиш муаммосини келтириб чиқаради ва хизматлар савдосини савдо воситачилигига ҳамда товарларни сақлашга асосланган товарлар савдосидан фарқланишига олиб келади. Товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишни ўзаро аралашиб кетиши хизматларни ажратиш ва уларнинг ҳисобини олиб боришни қийинлаштиради.

Иккинчидан хизматлар соҳаси одатда моддий ишлаб чиқариш соҳасига караганда хорижий рақобатдан давлат томонидан ҳимоя қилинади. Бундан ташқари кўпчилик мамлакатларда транспорт ва алоқа, молиявий ва суғўрта хизматлари, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар анъанавий тарзда қисман ёки тўлиқ давлат ихтиёрида бўлади ёки давлат томонидан каттик назорат қилинади ва тартибга солиниб турилади. Купчилик мамлакатлар ҳукуматларининг фикрича хизматларни импорт қилиш миллий хавфсизлик ва мустақилликка хавф туғдириши мумкин ва шунинг учун хизматлар соҳаси товарлар билан савдо қилиш соҳасига караганда каттик тартибга солинади.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида хизматлар турли-тумандир: аҳолига чакана савдо хизмат кўрсатиш, автомобилларни, маиший техникаларни таъмирлаш, йўловчиларни ва юкларни ташиш, таълим ва маслаҳат бериш, маиший хизматлар, тиббиёт хизматлари, пулларни сақлаш, қимматбаҳо қоғозлар ва кучмас мулк билан операциялар, суғўрта ва купчилик бошқа фаолият турлари.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида хизматларнинг турли-туманлигига карамай уларнинг барчаси қўйидаги 4 та тавсифномага эгадирлар ва улар хизматларни товарлардан фарқлайдилар:

- хизматларнинг номоддий характери ва ҳис этиб бўлмаслиги;
- хизматларни ишлаб чиқаришнинг ва истеъмол қилишнинг ажралмаслиги;
- сифатининг бир жинсли эмаслиги ва ўзгарувчанлиги;
- хизматларни сақлаб бўлмаслиги.

Хизматлар соҳасининг аҳамиятини янада ошириб бориши ва халқаро аҳамиятга эга бўлишини тушуниш учун хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган хизматларнинг ўз моҳиятини чуқур ўрганиш лозим.

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва соҳаларидан озод бўлган меҳнат ресурсларини абсорбцияси функциясини

бажариш ҳамда иш ўринлари ва меҳнат ресурсларини баланслашувига имкон бериш орқали мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизматлар турлари сони, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатимизни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устуворликларни босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорни товарлар билан тўйиниши натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Иқтисодий даража қанчалик юқори ва индустриал асос ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ўсиб боради.

Кейинги йиллар давомида хизматлар соҳасида ишловчилар сони маълум бир сабабларга кўра ўсиб борди. Бу сабаблар қаторига ишлаб чиқаришдаги такомиллаштиришлар натижасида кўплаб товарларни кам ишчи кучи билан ишлаб чиқарилишини киритиш мумкин. Бу ҳолат кўплаб ишчи кучини ишлаб чиқариш соҳасидан озод қилди ва уларни турли хил хизматлар кўрсатиш соҳаларига ўтишига сабаб булди. Яна бир бошқа муҳим омиллардан бири бўлиб - технологик ривожланиш ҳисобланади. Бу

технологик ривожланиш замонавий компьютер технологиялариниқўллашга асосланган кўплаб хизматларни пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Мамлакатимиз аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишда хизматлар соҳаси муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Давлат мақсадли дастури мазкур соҳани жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини оширишни таъминлашга катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.05.2007 йилдаги № ПК 640-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.04.2006 йилдаги № ПК 325-сонли қарори билан тасдиқланган “Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш дастурининг” асосий параметрлари ва тадбирларига ўзгартириш ва тузатишлар киритилди. Ушбу қарорга мувофиқ ҳолда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш тармоқ ва ҳудудий дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда ушбу дастурлар бажарилиши устидан доимий мониторинг ўрнатиш белгиланди. Бундан ташқари қарорда мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш вазифалари белгиланган. Мазкур қарор асосида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига аҳолининг меҳнат билан бандлик жамғармаси ва микрокредит банки томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда 2007 йилнинг 1 январидан статистика ишлари амалиётига халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган фаолият турлари бўйича янги умумдават хизматлар таснифлагичи жорий этилди.

Индустриал ривожланган мамлакатларга нисбатан паст даражада ривожланишига карамай, мамлакатимизда кейинги ун йилликда ушбу соҳа

иқтисодиётнинг мустақил соҳасига айланди. Бу ҳолат куйидаги сабабларга кўра юзага келди: давлат молиялаштирилишининг камайиши, яъни мулк шаклини узгартириш жараёнларининг таъсири ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аҳолига ва ташкилотларга пуллик хизматлар кўрсатиш ошиб борди; куплаб янги хизмат турлари пайдо бўлди; хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобат кучайди.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳолати ва ривожланиш йўналишларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги ва ривожланган хорижий мамлакатлардаги хизмат кўрсатиш даражаси ҳажми ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ўртасидаги фарқлар унча катта эмас ҳамда ривожланиш тенденциясига эгадир.

Иқтисодий ислоҳатларни юксалтириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устуворликларни босқичма-босқич амалга ошириш Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган куйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасини ривожланишига имкон бермоқда:

❖ соғлиқни сақлаш, таълим болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар уй-жой қурилиши, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;

❖ депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғурта фаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;

❖ транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора тadbирларни амалга ошириш.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007-йилда 42,5 фоизни, 2008 йилда эса 45 фоизни ташкил етди. 2010-йилга бориб мазкур кўрсаткични 49 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011-йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000-йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши³



3-расм.

2011 йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсганини бугунги кун талабларига жавоб берадиган ижобий тенденция сифатида баҳолаш лозим.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

Бу кўрсаткич, аввало, мобил алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланди. Бунда 2011 йилда аҳоли учун Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифларини 22 фоизга камайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланмоқда.

2007 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида “Ўзбекистон Республикасида 2008-2010 йилларда аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси” тасдиқланди. Ушбу аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси идоралараро қўмита омидан ишчи гуруҳлар билан биргаликда ишлаб чиқилган бўлиб, ишлаб чиқиш ва муҳокама жараёнларига фуқоролик жамиятлари, хусусий сектор ва халқаро институтлар ва экспертлар кенг жалб этилди.

2004-2006 йилларни ўз ичига олган аҳолининг турмуш даражасини ошириш лойиҳаси (ТДОЛ) Ўзбекистон учун ўрта муддатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш йўлида муҳим қадам бўлди. ТДОЛ 2004 йилда 2005-2010 йилларни ўз ичига олган оралиқ аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси (АФОЛ)ни тайёрлаш учун асос бўлди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш Лойиҳаси (АФОЛ) бўйича мазкур тўлиқ ҳужжат 2008-2010 йилларда миллий ривожланиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва иқтисодий ўсишни жадаллаштириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирларни белгилаб берувчи асосий ўрта муддатли ҳужжат сифатида, оралиқ АФОЛнинг ўрнини эгаллайди.

Лойиҳани ишлаб чиқишда қўйидаги янги жиҳатлар қўлланилган:

1. Ривожланишга комплексли ёндошувни қўллаш.

АФОЛда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш ривожланишнинг барча устувор йўналишлари ва ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларини ўз ичига олган иқтисодий сиёсатнинг муайян чора-тадбирлари мажмуини кетма-кетликда ишлаб чиқиш ва амалга оширишни

назарда тутати. Бундай ёндошув Ҳукумат томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш ва иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2. Қисқа муддатли башоратлардан ўрта ва узоқ муддатли лойиҳаларга ўтиш.

АФОЛ мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли соҳаларида нафақат ўрта муддатли, балки кўп ҳолларда узоқ муддатли – 2015 йилгача бўлган ўзгариш ва ривожланиш устуворликларини белгилаб беради. Шундай қилиб, АФОЛ бўйича тўлиқ ҳужжатни ишлаб чиқиш қисқа муддатли ва секторал ёндошувлардан ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш лойиҳаларига ўтишнинг биринчи босқичини якунлайди.

3. Минтақавий ривожланиш лойиҳалари учун концептуал асосларни шакллантириш.

АФОЛ минтақалар миқёсида миллий ривожланиш лойиҳаси билан узвий боғлиқликда стратегик бошқарув усуллари ва ёндошувларини тадбиқ этиш учун замин ҳозирлайди. Бунда АФОЛда акс эттирилган янги ташаббуслар ва сиёсий чора-тадбирлари синов тариқасида минтақавий миқёсда синаб кўрилиши, кейинчалик эса аниқликлар киритилиб ва бутун мамлакат бўйича тарқаталиши мумкин.

4. Ресурслар ва ҳамкорликни сафарбар этиш учун имкониятларни кенгайтириш.

Миллий, секторал ва минтақавий ривожланиш лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда муваффақиятга эришишнинг асосий омили, барча манфаатдор томонлар – фуқаролик жамияти, хусусий сектор, халқаро ташкилотлар ва бошқа ривожланиш бўйича ҳамкорларнинг фаол иштирок этиши ҳисобланади. Лойиҳанинг ўзи ва уни шакллантириш, амалга ошириш ва бажаришнинг мониторинги жараёни Ҳукумат ва барча манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро амалий алоқаларни кенгайтириш учун кенг асослар яратади.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳасидинамик ва кенг қамровли иқтисодий ўсиш, жаҳон бозорида рақобатбардошликни таъминловчи модернизацияланган ва диверсификацияланган иқтисодиётни шакллантириш, мамлакатнинг барча ҳудудларини комплексли ривожлантириш, даромадларнинг адолатли равишда тақсимланиши, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларда хизмат кўрсатиш сифатини янада ривожлантириш ва сезиларли ошириш асосида аҳолининг турмуш даражасини барқарор ошириб боришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишидаги ижобий натижалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, дунё тажрибалари ва замонавий йўналишлари нуқтаи назаридан қараганда мамлакатимизда хизматлар бозорининг шаклланиш босқичи амалга ошмоқда.

Иккинчидан, хизматлар ҳажмининг ўсиб бориш динамикаси кузатилмоқда.

Учинчидан, республика ҳудудларидаги хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг иқтисодиётга таъсири ўзаро фарқланишига қарамай, ҳудудий хизматлар ҳажмининг ЯИМдаги улуши бўйича катта ютуқларга эришилмоқда.

Тўртинчидан, хизмат бозоридаги хизмат турларига бўлган талабларнинг ўзгариши ва иқтисодиётга таъсир даражаси республикада ижобий натижалар бермоқда.

Бешинчидан, хизмат турларига бўлган эҳтиёжлар кўрсатилаётган хизматларнинг сифатига ва бир неча хизмат турларининг мужассамланган комплекс тартибда бўлишига қараб ўсмоқда.

Олтинчидан, соҳага хорижий инвестиция сармояларини жалб этиш, айниқса, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш, молия ва банк хизматларида ортиб бормоқда. Ушбу масалада асосан телекоммуникация тармоғини

ривожлантириш ва таъмирлашда, компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш технологияларида ижобий натижаларга эришилди. Бу тармоқда энг катта ютуқларга симсиз телефон алоқалари орқали боғланиш, уяли телефон мижозларини кўпайиши, Интернет хизматларини кенгайиши, эфир - кабель телевидения кўрсатувларини жорий этиш каби хизматларнинг ривожланиши орқали эришилди.


Еттинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида янги инфратузилма яратилмоқда. Савдо тизимида дўконлар, умумий овқатланиш шохобчалари, комплекс хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди. Йўловчиларни ташиш транспорти маршрут йўлланишлари сони ўсиб бормоқда. Автомат телефон станциялари сони ошибормоқда. Банк мижозларига қулай шарт - шароит яратиш ҳамда молия хизматларига мижозлар ҳаракатини соддалаштириш мақсадида молия ва банк тизимини ривожлантиришга ва инфратузилмаларини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Меҳмонхоналар сони кўпайиб бормоқда.

Саккизинчидан, соҳада инфратузилманинг яратилиши ҳамда унинг даромади ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Соҳанинг ўсишида эришилаётган ижобий натижалар давлат томонидан қўллаб - қувватлаш, тармоқлар ва ҳудудларга берилаётган имтиёзлар, ажратилаётган кредит маблағлари ва бошқа кўрсатилаётган молиявий ёрдам, енгилликлар ҳисобига бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда пуллик хизматлар кўрсатишни ривожланиши суръати қуйидаги 4-расмда келтирилган.

Расмдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси бўйича 2006-2008 йилларда аҳолига пуллик хизматларни кўрсатиш суръатлари динамик характерга эга бўлиб, 120,1 фоиздан 124,7 фоизга ўсган. 2009 йилда аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш суръатлари пасайган ва 108,5 фоизни ташкил этган. 2010-2011 йилларда аҳолига пуллик хизматларни кўрсатиш суръатлари ўсиб борган.


**Ўзбекистон Республикаси бўйича 2006-2011 йилларда аҳолига пуллик
хизматларни кўрсатишни ривожланиш суръати⁴**



4-расм.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2006-2011 йилларда чакана савдо соҳасининг ривожланиши ҳолати 5-расмда келтирилган бўлиб, ундан кўриниб турибдики, 2006-2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича чакана савдо соҳаси динамик тарзда ривожланиб борган ва 114,7 фoиздан 119,3 фoизга ўсган. 2010 йилда аҳолига пуллик хизматларни кўрсатиш суръати 113,6 фoизни ва 2011 йилда 116,1 фoизни ташкил этган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.



5-расм. Ўзбекистон Республикаси бўйича 2006-2011 йилларда чакана савдо соҳасининг ривожланиш суръатлари⁵

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш имкониятлари қўйидагилардан иборатдир:

1. Пуллик хизматлар тизимининг келгусида жадал ривожланишини таъкидлаш лозим. Шу билан пуллик хизматлар салмоғининг ошиши ҳисобига истеъмол харажатларининг тузилиши ўзгаради. Соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат, уй-жой коммунал хўжалиги, алоқа соҳаларида хизматларни кўрсатиш ва пуллик хизматлар кўрсатиш кенгаймоқда. Ушбу тармоқлар қўшимча ҳолда бир қатор хизматларни ҳам кўрсатишади.

2. Хўжалик юритишнинг бозор тизими шаклланаётган шароитда савдонинг боғловчи бўғин сифатида роли ошиб боради. Ушбу соҳанинг ўсиши истикболли ҳисобланади ва етарлича имкониятларга эгадир.

3. Санатория курорт муассасаларида, дам олиш уйлари ва базаларида, пансионатларда дам олувчи туристлар учун ҳар томонлама ривожланган дам олиш индустриясини яратиш, амал қилувчи меҳмонхоналар мажмуаларини қайта таъмирлаш, замонавий талабларга жавоб берувчи янги ва такомиллаштирилган дам олиш объектларини барпо этиш орқали санатория-курорт хизматлари ҳажмини ўстиришда етарлича истикболлар мавжуддир.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.

4. Кўрсатилаётган хизматлар структурасида кескин ўзгаришлар амалга ошмоқда. Қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларга эҳтиёжнинг ортиши билан ва тадбиркорлик таваккалчилигининг камайиши билан ахборот ва маслаҳат хизматларининг салмоғи ошиб бормоқда.

5. Эҳтиёжларнинг кенгайиши ва янги турларининг пайдо бўлиши ҳамда ишчи кучининг ишлаб чиқариш соҳасидан озод бўлиши, ушбу ишчи кучларининг хизмат кўрсатиш соҳасига оқиб келишига шароитлар яратади, бу ҳолат мамлакат иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини ошишига олиб келади.

6. Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун зарур бўлган бозор муносабатлари шароитларига мувофиқ келувчи молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматларни жадал ривожлантириш зарур.

7. Хизматлар соҳаси учун малакали кадрларни тайёрлаш ва тизими ривожлантиришни ва янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Мамлакатимиз Президенти И.Каримов 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаларида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “...Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва

сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади”⁶.

2.2. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма объектларининг яратилиш ҳолати

Қишлоқ жойларда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, улар турмуш фаровонлигини таъминлашда қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси муҳим ўрин тутди. Биз ижтимоий инфратузилманинг ривожланиши, фаолият самарадорлигини баҳолаш мақсадида аҳоли сони, зичлиги ҳамда шаҳарлашув даражаси ўзига хос минтақа бўлган Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларини таҳлил объекти сифатида танлаб олдик.

Агросаноат мажмуаси ижтимоий инфратузилмасининг муҳим бўғинларидан бири бу соғлиқни сақлаш тизими бўлиб, бу тизим томонидан аҳолининг соғлигини сақлаш ҳамда тиббий хизматлар кўрсатиш амалга оширилади.

Фарғона вилоятида 2008 йилда жами 120 та тиббиёт муассасалари мавжуд бўлиб, 2010 йилга келиб уларнинг сони сифат ва миқдор жиҳатидан такомиллашуви таъсирида 35.0 % га ортган ва 120 тани ташкил этган. Ушбу тиббий муассасалардаги бемор ўринлари сони эса 2008-2010 йилларда 13800 тадан 15092 тага ортган, яъни ўтган уч йил давомида вилоятда мавжуд бўлган бемор ўринлари сони 9.4 % га яқин ортган. Вилоят аҳолисининг умумий сонига нисбатан мавжуд бемор ўринлари сони кўриладиган бўлса,

⁶ Каримов И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2011-йилнинг асосий қўғулари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 2012 йил 20 январь.

2008 йилда бу кўрсаткич ҳар 10 000 кишига 46.1 ўринни ташкил этиб, 2010 йилга келиб 5,4 % ортган.

Вилоятда қишлоқ жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи тиббий муассасалар – қишлоқ врачлик пунктлари сони ўрганилганда, уларнинг сони уч йил давомида ўзгармаганлиги кўринади.

1-жадвал

Фарғона вилоятида 2008-2010 йилларда аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлиги даражаси⁷

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2008 йилга нисб., %
1	Тиббиёт муассасалари сони	бирлик	120	149	162	135.0
2	Бемор ўринлари сони	бирлик	13800	13771	15092	109.4
3	Ҳар 10 000 кишига тўғри келадиган бемор ўринлари сони	ўрин	46.1	45.1	48.6	105.4
4	Амбулатория-поликлиника муассасалари сони	бирлик	456	594	567	124.3
5	Ҳар 10 000 кишига тўғри келадиган врачлар сони	киши	22.1	20.1	22.2	100.4
6	Дорихоналар сони	бирлик	427	430	421	98.6
7	Қишлоқ врачлик пункти сони	бирлик	293	293	293	100

Фарғона вилоятида 2008-2010 йилларда таълим хизмати кўрсатувчи тизимлар фаолиятини ўрганиш бу тизимда ҳам ўтган уч йил давомида сифат жиҳатидан ижобий ўзгаришлар юз берганлигини кўрсатади. Ушбу йилларда таълим тизимидаги ислохотлар натижасида умумий ўрта таълим мактаблари сонининг камайиши ва академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари сонининг ортиши ҳисобига бу икки тизим ўртасидаги мутаносиблик академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари томонга миқдор жиҳатидан ўзгарган.

⁷ Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

Агар 2008 йилда вилоят бўйича умумий ўрта таълим мактаблари сони 917 тани ташкил этиб, уларда ўқувчилар сони 649.2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб мактабларда 9 йиллик таянч таълимнинг қолдирилиши ҳисобига уларда ўқувчилар сони 9.3 % га камайган ва 588.6 минг кишини ташкил қилган.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари сони эса ортиб, уларда ўқувчилар сони ҳам тез суръатлар билан ортган.

2-жадвал

Фарғона вилоятида 2008-2010 йилларда аҳолига таълим хизматлари кўрсатиш сифат даражаси⁸

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2008 йилга нисб., %
1	Умумтаълим мактаблари сони	бирлик	917	917	917	100
	уларда ўқувчилар сони	минг киши	649.2	616.1	588.6	90.7
2	Академик лицейлар сони	бирлик	8	9	9	112.5
	уларда ўқувчилар сони	киши	3837	6013	7014	182.8
3	Касб-ҳунар коллежлари сони	ўрин	93	108	120	129.0
	уларда ўқувчилар сони	киши	103520	116061	133976	129.4

Аҳолига ижтимоий эҳтиёжларни қондириш бўйича хизмат кўрсатувчи тизимлардан яна бири маданий хизматлар кўрсатиш тизими бўлиб, вилоятда бу соҳада ҳам таркибий ўзгаришлар юз берганлигини, бироқ айрим сифат кўрсаткичлари бўйича бу тизимда пасайиш ҳолати юз берганлигини кўриш мумкин.

Вилоятда 2008 йилда мавжуд кутубхоналар сони 1584 тани тақшил этиб, уларнинг 1312 таси қишлоқ жойларда фаолият юритган. 2010 йилга келиб уларнинг умумий сони 0.6 % га ортган ва 1593 тани ташкил қилган, жумладан қишлоқ жойларда фаолият кўрсатаётган кутубхоналар сони 0.3 % га ёки 4 тага кўпайган. Бироқ ўтган уч йил мобайнида вилоятда фаолият кўрсатган кутубхоналар фонди 10 % га, жумладан қишлоқ жойлардаги

⁸ Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

кутубхоналар фонди 19.7 % га камайган. Шундай бўлсада, вилоят бўйича китоб ўқувчилар сони 8.2 % га, жумладан қишлоқ жойлардаги китоб ўқувчилари сони 6 % га ортган.

3-жадвал

Фарғона вилоятида 2008-2010 йилларда аҳолига маданий хизматлар кўрсатиш даражаси⁹

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2008 йилга нисб., %
1	Кутубхоналар сони	бирлик	1584	1593	1593	100.6
	шундан қишлоқ жойларда	бирлик	1312	1316	1316	100.3
2	Кутубхона фонди	минг нусха	9654.6	8555.5	8684.9	90.0
	шундан қишлоқ жойларда	минг нусха	6590.8	5271.2	5296.0	80.3
3	Китоб ўқувчилар сони	минг киши	922.3	996.5	998.3	108.2
	шундан қишлоқ жойларда	минг киши	667.9	706.3	707.0	106.0

Вилоятда фаолият кўрсатаётган ижтимоий инфратузилма соҳаларидан яна бири бу аҳолига спорт хизматлари кўрсатиш ҳисобланади. Вилоятда аҳолининг спорт ва соғломлаштириш эҳтиёжларини қондиришда ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган спорт иншоотлари ва клублари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят бўйича 2008 йилда жами 1273 та спорт жамоаси мавжуд бўлган бўлса, 2010 йилга келиб фаолият кўрсатаётган спорт жамоалари сони 1281 тага етган. Шундан 2008 йилда қишлоқ жойларда 980 та спорт жамоаси мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 2010 йилда 13.1 % га пасайган.

Мавжуд спорт жамоаларида 2008 йилда 776 минг киши спорт билан шуғулланган бўлса, 2010 йилга келиб спорт билан шуғуланувчилар сони 2800 нафарга ортган, шундан қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланувчилар сони 2008 йилдагига нисбатан камайган.

⁹ Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

Вилоят бўйича 2008 йилда жами 5297 та спорт иншооти мавжуд бўлиб, унинг 4096 таси қишлоқ жойларда фаолият кўрсатган, 2010 йилга келиб умумий спорт иншоотлари сони камайган бўлсада (0.01 %) қишлоқ жойларда мавжуд бўлган спорт иншоотлари сони 10 % га ортиб 4480 тага етган.

4-жадвал

Фарғона вилоятида 2008-2010 йилларда аҳолига спорт хизматлари кўрсатиш даражаси¹⁰

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йилда 2008 йилга нисб., %
1	Ташкил этилган спорт жамоалари сони	бирлик	1273	1273	1281	100.6
	шундан қишлоқ жойларда	бирлик	980	980	851	86.9
2	Спорт билан шуғулланувчилар сони	минг киши	776	773.7	778.8	100.4
	шундан қишлоқ жойларда	минг нусха	559.1	530.6	550.3	98.4
3	Спорт иншоотлари сони	бирлик	5297	5281	5296	99.9
	шундан қишлоқ жойларда	бирлик	4096	4411	4480	109.4
4	Очиқ сузиш ҳавзалари	бирлик	27	27	28	103.4
	шундан қишлоқ жойларда	бирлик	13	8	8	61.5

Республикамизда қишлоқ ободонлигини ҳамда унинг аҳолиси фаровонлигини таъминлаш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг аҳамиятли чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида мазкур кўрсаткич сезиларди даражада ўсиб бормоқда. Агар 1996 йилда қишлоқ уй-жой фонди 180,5 млн. кв. метрни ташкил этган бўлса, 2009 йилда 240,9 млн. кв. метрга етган. Умуман олганда, 1996-2009 йиллар давомида республика бўйича жами уй-жой фондининг ўсиш даражаси 127,4% ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич шаҳарда 118,6% ни, қишлоқда 133,5% ни

¹⁰ Фарғона вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари

ташкил этган. Бу эса қишлоқ фаровонлиги ва ободончилигининг ошишида муҳим шарт-шароит яратади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ҳам қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирларини кучайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун энг аввало якка тартибда уй-жой қуриш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу асосда қишлоқ жойларида 7100 минг кв.м уй-жой қурилиши амалга оширилади. Албатта, бу жараёнларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ яшаш жойларини тўла интентаризацияда ўтказилди.

Уй-жой қурилиши ишларини жадаллаштириш, уларни изчил амалга ошириш мақсадида хусусий қурилиш уюшмалари фаолиятини ташкил этишни йўлга қуйиш муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Ушбу жараёнларни аҳоли кенг эътиборига етказиш борасида қишлоқларда қурилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида ахборот берувчи «Шинам уй» телекўрсатувини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Кейинги йилларда қишлоқдаги аҳолининг ҳар 1 киши ҳисобига уй-жой билан ўртача таъминланганлиги ошиб бормоқда. Айти пайтда, ободончилик даражасининг ошишига таъсир қилувчи шарт-шароитлар ҳам яхшиланиб бормоқда. Масалан, табиий газ билан таъминланганлик даражаси 1996 йилдаги 58,6% дан 2009 йилда 71,4% га, водопровод билан таъминланганлик даражаси 23,9% дан 45,1% гача ошган. Бироқ, ҳали қишлоқ ободончилигини таъминлашда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, йиллар давомида ошиб бораётганлигига қарамай, бугунги кунда қишлоқдаги уй-жойларнинг марказий иситиш воситалари (17%), канализация (9%), иссиқ сув таъминоти (2,3%), ванна (2%) билан таъминланиш даражаси жуда паст.

Шунга кўра, ҳозирда қишлоқ ҳудудларини сув билан барқарор таъминлаш бўйича 1836 км янги сув тизимини қуриш, 304 та объектни реконструкция қилиш, бу борадаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Шу қаторда 2009

йилда узунлиги қарийб 700 километрлик табиий газ тармоқларини ишга тушириш, чекка туманларни суюлтирилган газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш белгиланган.

Қишлоқ жойларининг ободонлиги ва аҳолисининг фаровонлигини автомобиль йўллари ва транспорт воситалари тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунга кўра, 2009 йилда қишлоқ жойларда автомобиль йўлларини ривожлантириш ва транспорт хизматини яхшилаш мақсадида 67 та янги автомобиль маршрутини йўлга қўйилди ва 1913,9 км маҳаллий йўлларни таъмирланди.

Аҳоли турмуш даражаси кўп жиҳатдан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожига боғлиқ. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қишлоқдаги турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсатади. 2011 йилда хизмат кўрсатиш ва сервисни янги сифат даражасига кўтариш, жумладан, қишлоқда хизматлар соҳасида 160 минг янги иш жойлари ташкил этиш, 452 та савдо магазинлари, 1856 та маиший хизмат корхоналари, 500 дан ортиқ минибанклар ташкил этиш, қишлоқ аҳоли яшаётган жойларда телефон ва алоқа тизимини тубдан яхшилаш, спорт ва туризмни ривожлантириш тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, қишлоқ жойларни ободонлаштириш ишларини изчил тизимга солиш, уларни мунтазам равишда олиб бориш мақсадида ободонлаштириш моддий техника базасини мустаҳкамлашнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари ташкил қилиш ва рағбатлантириш қоидаларини тайёрлаш жараёнлари амалга оширилмоқда.


Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ўз ичига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқда янги қурилиш технологияларини қўллаш ишларини ҳам олади. Бунда янги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, модернизациялаш ва техник қайта қуrolлантириш тадбирлари кўзда

тутилади. Қишлоқ жойларида 77 та янги қурилиш материаллари фирма магазинларини ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Қишлоқни ёқилғи энергетика захиралари билан барқарор таъминлаш учун қулай шароитни яратиш борасида мавжуд электр ва газ тармоқларини тўла инвентаризация қилиш, янги электр ва газ тармоқларини қуриш, мавжудларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, узоқ жойларда жойлашган қишлоқларни газ ва кўмир билан таъминлашга мўлжалланган сервис марказларини ташкил этиш белгиланган.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди (6-расм).

2010 йилда қурилган ва фойдаланишга топширилган ижтимоий соҳа объектлари¹¹



6-расм.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар – болалар боғчалари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

2.3. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришини ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Бу борада 2011 йил давомида тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (155%) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 126 та янги иш ўринлари яратилди.

Албатта, мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.


Шу муносабат билан 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк

кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратади.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм микдоридаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб 104 500 та янги иш ўрни яратилди.

2007-2011 йилларда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар эвазига яратилган иш ўринлари сони қуйидаги 7-расмда келтирилган.

**“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан
кўрсатилган микромолиявий хизматлар эвазига яратилган иш
ўринлари сони¹²**



7-расм.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.

Юқорида келтирилган расмдан кўриниб турибдики 2007-2011 йилларда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар эвазига яратилган иш ўринлари сони йилдан-йилга ўсиб борган.

Мамлакатимизда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, қишлоқ инфратузилма объектларини ривожлантириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. 2006-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожланиш ҳолати 1-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг ривожланиш ҳолати¹³

Хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Муқобил машина трактор парклари	1562	1779	1777	1757	1720	1681
Минерал ўғитлар сотиш шохобчалари	1051	891	928	935	917	917
Ёқилғи мойлаш маҳсулотларини сотиш шохобчалари	1110	1340	1373	1389	1377	1366
Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш шохобчалари	581	443	424	424	424	420
Зооветеринария хизматларини кўрсатувчи пунктлар	381	2180	2278	2411	2540	2595
Ахборот-консалтинг хизмати кўрсатиш шохобчалари	317	295	300	300	301	318
Транспорт хизмати кўрсатиш шохобчаси	77	82	82	82	82	85

Жадвалдан кўринадики, 2006-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари сони ўсиб борган.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантириш бўйича

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарур бўлмоқда. Қишлоқ жойларида кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ аҳолисига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;
- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;
- инвестицияларни (шу жумладан чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматларни ривожлантирилишини ташкил этиш;
- кўرғазмалар ва ярмаркаларда, инвестицион ва инновацион лойиҳаларини амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш;
- тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлашда, қайта тайёрлашда ва уларнинг малакасини оширишда кўмаклашиш.
- бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш муамоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;

- савдо-саноат палатасининг маркетинг фаолиятини янада ривожлантириш ва мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мазкур соҳа корхоналарида маркетингини ташкил этиш ва уни такомиллаштиришни талаб этади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир:

Келгуси йилларга прогноз кўрсаткичларини белгилаш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ишларни амалга ошириш лозим:

1. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг барча мақсадли кўрсаткичлари бўйича олиб борилган мониторинг натижалари асосида таҳлил қилиш, уларни танқидий кўриб чиқиш, камчиликларини ва ҳажмлар тенденциясини (ўсаётгани ёки қисқариб бориши) аниқлаш;

2. Хизматлар ҳажмининг умумий ўсиш даражаларини таъминловчи омиллар тизимини аниқлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- ташкил этилиши мўлжалланган инфратузилмалар ҳисобига эришилиши мўлжалланган хизматлар ҳажми;

- мавжуд фаолият кўрсатаётган шахобчалар қувватларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳисобига эришиладиган хизматлар ҳажми;

- кредит маблағларидан фойдаланиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш эвазига эришиладиган хизматлар ҳажми (модернизация);

- тадбиркорларга бериладиган имтиёзлар, яратилаётган қулай шарт – шароитлар, молиявий қўллаб-қувватлаш, ер майдонлари ажратилиши ҳисобига эришилаётган хизматлар ҳажми;

- хусусий тадбиркор ёки жисмоний шахслар томонидан кўрсатилаётган хизматларни тўлиқ ҳисобга олиш эвазига эришилган ҳажми.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси истиқболини белгилашда хизмат турлари бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари бўйича:

- фаолият кўрсатаётган савдо шахобчаларининг иш вақти тартибини харидорларнинг бўш вақтларига мослаштириш (сахар, тушлик ва кечки вақтларда) эвазига қўшимча савдо хизматларини ошириш;

Маҳаллий ҳокимият мутасадди ташкилот раҳбарлари билан биргаликда:

- савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг инвентаризация натижаларини кўриб чиқиб, қўшимча ташкил этилиши лозим бўлган шахобчаларни аҳоли яшаш пунктлари, туман (шаҳар) ва вилоят бўйича жойлаштириш схема режасини тузишлари;

- прогноз йилида ташкил этилиши белгиланган шахобчаларининг сонига қараб ер майдонлари ажратилиши, уларни аукцион бозорига қўйиши ва фойдаланилмай турган бино қисмларини ижарага бериш бўйича рекламалар беришлари;

- хусусийлаштирилган, лекин бир неча йил мобайнида фаолият кўрсатмай турган шахобчалар бўйича зарурий ҳолларда қабул қилинган қарорларни бекор қилишлари;

- савдо ярмаркаларини доимий равишда фаолият кўрсатиб туришини таъминлаш эвазига қўшимча савдо хизматлари кўрсатиш.

- савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш истаги бўлган хусусий тадбиркорларга қулайликлар яратиш, ҳужжатларни расмийлаштиришни соддалаштириш.

2. Транспорт хизматлари:

- ташкил этилиши мўлжалланган янги маршрут йўналишлар тушумини аниқлаш;

- носоз йўловчи ва юк ташиш транспорт воситаларини таъмирлаш ва янги олинадиган транспортлардан тушадиган ҳажмларни ҳисоблаш;

- транспорт хизматлари ҳажмига йўловчиларга шахсий автомобилларида ҳудудлараро транспорт хизмати кўрсатаётган

ташкिलाштирилмаган транспорт хизматлари ҳажмини статистика томонидан қабул қилинган “Ташкिलाштирилмаган хизматларни ҳисобга олиш бўйича вақтинчалик тавсиянома”си бўйича аниқлаб қўшиш.

3. Алоқа ва ахборотлаштириш хизмати:

- рақамли АТСлар сонини кўпайтириш, ҳар 100 та яшовчига рақамли телефон аппаратлар сонини жипслаштириш, мобил телефонлардан фойдаланувчилар сонининг вилоятдаги коэффицентини кўтариш ҳисобига эришиладиган хизматлар ҳажмини аниқлаш;

- почта алоқалари бўлимларида, айниқса қишлоқ жойларда автоматлаштирилган молия тўловларига ўтиш, электрон пул ўтказиш;

- ташкилотлар ичида ва ташкилотлараро ҳужжатлар айланмасини қоғозсиз электрон тизимига ўтказиш ҳисобларига эришилиши мўлжалланган хизматлар ҳажми.

4. Молия ва банк хизматлари:

- Банк-молия хизматидаги қирувчи хизмат турлари – мини- банклар сони, махсус жамғарма кассалар сони, аҳолининг тижорат банкларига қўйилмалари ҳажми, пластик карточкалар сони, терминаллар сони, терминаллар орқали бажарилган операциялар ҳажми, тижорат банкларининг ажратган кредитлари ҳажми, истеъмол кредитлари ҳажми, кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми каби кўрсаткичларнинг йиллик (чорақлик, ойлик) прогноз кўрсаткичларини ҳар бир туманда фаолият юритаётган тижорат банклари кесимида, лизинг ва суғурта хизматлари лизинг (банк) ва суғурта компаниялари кесимида муддати ва манзили аниқ белгиланиши лозим. Ушбу белгиланган муддат ва манзил бўйича ҳар бир хизмат турининг прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши ҳар ойда назорат қилиб бориш;

- Пластик карточкалар бўйича ойма-ой аниқ қайси тижорат банки қайси корхона ва ташкилотда, қанча миқдорда жорий қилиши бўйича прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши назорат қилиш;

- Терминалларни ойма-ой аниқ қайси тижорат банки қайси савдо ташкилотида (аниқ манзили кўрсатилади) жорий қилиши бўйича прогноз кўрсаткичларининг ижроси назорат қилиш;

- Ҳар бир тижорат банкининг ажратган кредитлари ҳажми, шу жумладан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлари ҳажми (ойма-ой иқтисодиёт секторлари кесимида) бўйича прогноз кўрсаткичлари назорат қилиш;

- Ипотека ва истеъмол кредитлари ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари ойма-ой ҳудудда фаолият юритаётган тижорат банклари кесимида назорат қилинади. Бунда ёш оилаларга берилаётган кредитлар алоҳида назоратга олиш;

- Лизинг хизматлари прогнози ойма-ой лизинг объекти, қиймати ва муддати кўрсаткичлари бўйича назорат қилиш;

- Суғурта хизматлари прогнози ойма-ой – суғурта турлари, объектлари, қийматлари бўйича ҳар бир суғурта компанияси кесимида ойма-ой назорат қилиш;

5. Меҳмонхона ва туризм хизматлари:

- Прогноз йилига чет эллик туристлар билан тузилган шартномалар асосида келувчилар сонини аниқлаш, мавжуд меҳмонхоналарни кенгайтириш, тарихий ёдгорликларни тиклаш, қурилиши мўлжалланган меҳмонхоналар тушумини аниқлаш, чет элликларни республикага жалб этиш йўлланмаларини жорий этиш ҳисобига эришиладиган хизматлар ҳажми.

6. Коммунал хизматлар:

- Ичимлик суви ва газ етиб бормаган аҳоли яшаш пунктларини қамраш, кўп қаватли уйларга иссиқ, совуқ сув ва газ ўлчагичларини ўрнатиш, яқка тартибда уй-жой қуриш ва таъмирлаш ишлари, махсус автоуловларда чиқиндиларни олиб кетиш эвазига олинадиган хизматлар ҳажми.

7. Маиший хизмат кўрсатиш:

- Янги ташкил этилиши кўзда тутилган маиший хизмат кўрсатиш шаҳоб-чалари сонининг хизматларини ҳисобга олиш, кўрсатилаётган

хизматлар сифатини яхшилаш, меҳнат бозорлари орқали аҳолига кўрсатилаётган ташкиллаштирилмаган хизматлар ҳажмини тўлиқ ҳисобга олиш.

8. Бошқа хизматлар:

- Бошқа хизматлар бўйича қўшимча ташкил этилиши кўзда тутилган болалар спорт иншоатлари, пуллик тиббий хизматлар, компьютер клублари, автомат ўйинлар, истироҳат ва дам олиш боғлари хизматлари ва бошқа хизматлар ҳажмларини аниқлаш.

Ўзбекистонда Республикасида хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- ❖ хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;

- ❖ хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириб бориш;

- ❖ хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини кўпайтириш;

- ❖ қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

- ❖ анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- ❖ мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- ❖ хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

❖ Мамлакатимизда банк кредитлари ҳисобидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик-тижорат банки томонидан 2012 йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига 105 минг 127 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш каби мақсадларга йўналтирилади. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 37,9 млрд.сўм кредит ажратилади.

Шунингдек, имтиёзли ресурслар биринчи навбатда янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Бунда асосий эътибор оилавий тадбиркорликка қаратилади.

2012 йилда аҳоли зич жойлашган ва ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган ҳудудларда касаначиликни, косибчилик ва халқ ҳунармандчилигини, шунингдек оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағларни мақсадли ва манзилли ишлатилишини мувофиқлаштириш кўзда тутилган..

Тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилиши режалаштирилган имтиёзли кредит маблағларини устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилишига алоҳида эътибор қаратиш белгиланган.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизация ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада

кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида муҳим аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг аҳамияти ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

- ✚ аҳоли бандлигини, унинг даромадлари ва турмуш даражасини кўтаришда катта имкониятларга эга, ишончли манба ҳисобланади;

- ✚ инсоннинг ривожланиши ва баркамоллигини таъминлашни рағбатлантиради;

- ✚ истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан тўлдиради ва ҳажмини оширади;

- ✚ иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади;

- ✚ хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш катта маблағлар талаб этмайди;

- ✚ унда маҳаллий моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари кенг;

- ✚ жамият тараққий этиб бориши билан аҳолининг хизматларга бўлган эҳтиёжлари узлуксиз ўсиб боради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси учун бозор иқтисодиёти шароитида стратегик вазифа бўлиб аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини пасайтирмасдан хизматлар бозорида барқарорликни сақлаш ҳисобланади. Аҳолига хизмат кўрсатувчи фаолият кўрсатаётган корхоналар билан бир қаторда янги корхоналарнинг шаклланиши ғоят муҳим ҳисобланади, чунки улар рақобатни келтириб чиқаришади ва хизматлар ҳажмини оширишади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида хўжалик юритишнинг бозор механизмларини шаклланиши, ушбу соҳада мувофиқ ҳолда бозор муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқдир. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ишсизликни камайтиради ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодиётида кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолардан

бирини ҳал этиши мумкин. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг ривожланиши, аҳолининг эркин маблағларини жалб этиш учун қўлай муҳит яратади ҳамда аҳолининг турмуш даражасини оширишга ёрдам беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб, ушбу соҳани бошқаришдаги структуравий ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳисобланади. Ушбу ўзгаришлар - иқтисодиётнинг босқичма-босқич трансформациялашуви ва хўжалик юритишнинг бозор методларига ўтиш билан боғлиқдир. Шу билан бирга улар хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўп укладлили ўзгаришларга олиб келади.

3-БОБ. ҚИШЛОҚ ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги истиқболли вазифалар

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикада хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2010 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 24082,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизматларнинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Республикада 2010 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 838,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари - 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизмати – 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2009 йилга нисбатан 132,8% га ўсди.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жиҳозларни таъмирлаш 10,6% ни, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли юklarини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айти пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Худудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида – 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида – 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти. 2010 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди, ёки ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга худудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва яқка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури умуман ривожланмаяпти. Ҳисобот йилида Республикада 203 та янги қурилган ва таъмирланган Болалар спорт комплексларининг 75% қишлоқ жойларда

фойдаланишга топширилганлигига карамай, уларда кўрсатилган хизматлар ҳажми қисқариб бормоқда.

Шу сабабли ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни тўғрисида қабул қилинган қарорда хизматлар ҳажмининг ўсиш даражасини юқори кўрсаткичларда белгилаб берилди. 2012 йилнинг ўзида 1389 та янги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилиши мўлжалланган. Ушбу шаҳобчаларнинг асосий қисми қишлоқ жойларда ташкил этилади. Ташкил этилиши мўлжалланган шаҳобчаларда ҳар йили 200 мингдан ортиқ янги иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.

Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тадбиркор нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

3.2. Қишлоқ ижтимоий инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини оширишда давлат дастурларининг аҳамияти

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ислоҳотлар кўп жиҳатдан юртимиз аҳолисининг аксарият қисми яшайдиган қишлоқларимизни обод ва фаровон этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш билан узвий боғлиқдир. Президентимиз

И.А.Каримов таъбири билан айтганда, Ватанимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ ахлининг ҳаётини замонавий мезонларга жавоб берадиган даражага кўтариш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига ривож қўшиш, унинг самарадорлигини ошириш бугунги кунда энг долзарб, ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган муҳим бир вазифага айланмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилингани муносабати билан 2009 йилнинг 26 январидида шу номдаги Давлат дастури тасдиқланиб, уни амалга ошириш борасидаги ишлар бошлаб юборилгани ва изчил давом этаётгани шу йўналишдаги ишларимизни янги босқичга кўтаришда долзарб аҳамият касб этиши шубҳасиз. Албатта, қишлоқларни обод ва фаровон этиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган қатъий сиёсатни амалга ошириш бугун ёки кеча бошлангани йўқ, балки мустақилликнинг илк йиллариданоқ республикаимизнинг мустақил тараққиёт йўлининг принципиал мақсад ва вазифаларидан бири сифатида белгилаб олиниб, бу соҳадаги ислохотлар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда босқичма-босқич ҳаётга жорий этилмоқда.

2009 йил 26 январда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури эса ушбу ислохотларнинг мантикий давоми сифатида уларнинг мазмун-моҳиятини юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади десак, муболаға бўлмайди. Чунончи, унинг мазмун-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ҳамда параметрлари ва молиявий манбалари аниқ белгилаб қўйилишидан асосий мақсад қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чоратadbирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта

кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эканини таъкидлаб ўтиш зарур.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлар, нафақат, 2009 йил, балки ўрта муддатли истиқбол учун белгилаб олингани ва жорий йилда уни амалга ошириш бўйича истиқболдаги барча ишларни мустаҳкам ташкилий асосга қўйишдан иборат эканини эътиборда тутиш лозим. Шубҳасиз, қишлоқларимизда ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш бўйича кенг қамровли комплекс чоратadbирларни амалга ошириш мақсадида 105 бандни ўз ичига олган 9 бўлимдан иборат бўлган Давлат дастурининг сиёсий аҳамияти:

- биринчидан, қишлоқларимиз қиёфасини, қишлоқда ҳаёт сифатини, ишлаб чиқариш муносабатларининг мазмун-моҳиятини ўзгартиришга;
- иккинчидан, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга;
- учинчидан, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имтиёз ва рағбатлантириш чораларини кенгайтириш ва бу борада янги имкониятлар яратиб беришга;
- тўртинчидан, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини том маънода барқарор ва самарали риножлантирадиган ҳаракатлантирувчи кучга, таъбир жоиз бўлса, бу йўналишнинг локомотивига айланган фермер хўжаликлари мақомини қайта кўриб чиқишга, бу ўринда қишлоқ хўжалиги соҳасининг таянч устуни бўлмиш фермерлик ҳаракатининг ижтимоий-сиссий мақомини мустаҳкамлашга;
- бешинчидан, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини, унинг онги ва фуқаролик масъулиятини оширишга;
- олтинчидан, ва энг асосийси, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани такомиллаштиришга;
- еттинчидан, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, сиёсий партияларнинг ўз фаолиятларининг асосий йўналишларини «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»

Давлат дастури мазмун-моҳияти билан ўзаро мувофиқлаштиришга қаратилганида намоён бўлади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқтисодий ислоҳ қилишда ва жамиятни янгилашда кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилгани, бу ўринда кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлмиш маҳалла институти имкониятларидан кенг фойдаланилгани, ижтимоий инфраструктура тизимларининг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилгани юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу маънода, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида ҳам қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш асосида қишлоқдаги турмуш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг белгилангани унинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканидан далолат беради. Жумладан, Давлат дастурида мазкур тадбирларнинг мазмун-моҳияти қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини яхшилаш, хусусан Дастурнинг 11-бандига мувофиқ, жорий йилда қишлоқ жойларда умумий майдони 7100 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилишини таъминлаган ҳолда 2009-2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, қишлоқда саноат ишлаб чиқаришини янада жадал ривожлантириш, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар ташкил этиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, шу асосда қишлоқ аҳолисини, энг аввало, ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга доир вазифаларнинг белгилангани бунинг яққол тасдиғидир.

Бундан ташқари, Дастурнинг 9-бўлимида белгиланган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятида, энг аввало, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соҳалардан бири - соғлиқни сақлаш тизимини қишлоқ жойларда такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга алоҳида аҳамият қаратилганини таъкидлаш жоиз. Буни «Саломатлик—2», «Шошилиш тиббий ёрдам бўлимларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, 87 та қишлоқ шифохонасини тиббий ва лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш ва 2315 та қишлоқ врачлик пунктини тўлиқ жиҳозлаш, 331 та қишлоқ врачлик пунктини ва қишлоқ шифохоналарини, шу жумладан, узокдаги ва бориш қийин бўлган минтақалардаги тиббиёт муассасаларини санитария автотранспорти билан таъминлашга оид ҳамда 2009 йилда амалга оширилиши назарда тутилган бир қатор тадбирлар мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан қишлоқ жойлардаги туғруққа кўмаклашиш муассасаларининг, «Мурувват» уйларининг, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жойлардаги 5 мингга яқин ногиронни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари билан таъминлаш, бориш қийин бўлган ва тоғли жойлардаги қишлоқларда яшаётган кўзи ожиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларни, катаракта билан касалланган беморларни реабилитация қилиш, узок ва бориш қийин бўлган минтақаларда яшаётган аҳолини пухта тиббий кўрикдан ўтказиш ва стационар даволашни ташкил этиш ва шу каби бошқа кўплаб комплекс чора-тадбирлар режалаштирилгани ҳар томонлама долзарб аҳамият касб этади.

Айни пайтда, Дастурда белгиланган устувор йўналишлар маънавий аҳамиятга эга эканини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки, Президентимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз, авваламбор, қишлоқ заминига бориб тақалади. Она-Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзод учун гуёки қишлоқ тимсолидан бошланади. Шу нуқтаи назардан

караганда, Давлат дастурида белгиланган тадбирлар қишлоқ жойларида яшаётган ҳар бир инсоннинг маънавий ва моддий ҳаёти уйғунлигини таъминлашга қаратилган десак, адашмаймиз. Қишлоқ аҳолисининг дунёқарашини янада юксалтириш билан боғлиқ чора-тадбирлар, энг аввало:

- ёшларнинг театр ва концерт томошалари, музейлар ва бошқа мазмунли дам олиш жойларига боришини ташкил этиш;
- соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш орқали қишлоқ аҳолисининг тиббий маданияти даражасини янада ошириш;
- қишлоқ мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг 5000 та ахборот-ресурс марказини «ZIYONET» тармоғига улаш;
- қишлоқ мактабларининг ахборот-ресурс марказларини ўқув-услубий материаллар, илмий-оммабоп, бадиий ва болалар адабиёт-лари билан таъминлаш каби ишларни амалга ошириш кўзда тутилгани ана шу эзгу мақсадга йўналтирилгандир.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йил ва келгусида алоҳида эътибор қаратишимиз лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалардан бири бу қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бири-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат эканини таъкидлаган эди.

Бу фикрлар ҳам «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар мамлакатимизнинг бугунги ва

эртанги тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Айни пайтда, мазкур устувор вазифаларни ижтимоий ҳаётга рўёбга чиқариш мақсадида Давлат дастури сўзсиз иқтисодий аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар қандай дастурлар, режалар ёки унда белги-ланган чора-тадбирлар ёхуд амалга ошириладиган ислохотлар сиёсий, ижтимоий, маънавий мазмун-моҳият касб этиши билан бир қаторда, иқтисодий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги республика иқтисодиётининг энг кўламли, ҳал қилувчи бўғини, мамлакат тақдири кўп жиҳатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлиқ экан, бу ўринда юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, айни пайтда қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини кўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустақкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкый муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари - мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир банднинг мазмун-моҳияти ва уларнинг амалга оширилиши натижасида кўзга ташланадиган ижобий ўзгаришлар қишлоқ ҳаётига чуқур таъсир кўрсатишга қаратилганлигини ва иқтисодий мазмун-моҳият касб этишини таъкидлаб ўтиш жоиз.


3.3. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш йўллари

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли беқиёсдир. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикаимизда ижтимоий

инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида 2009 йилда 6964,5 минг кв.м ҳажмдаги уй-жой фойдаланишга топширилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 7239,8 минг кв.м га етди (8-расм).

Фойдаланишга топширилган уй-жой умумий майдони, млн. кв.м¹⁴



8-расм.

Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида уй-жойларни қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг жадаллашуви натижасида йиллар давомида умумий уй-жой фонди ҳажми ошиб бормоқда. 2004 йилда уй-жой фонди 360,9 млн. кв.м дан иборат бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 386,9 млн. кв.м га, ўртача ҳар бир яшовчига ҳисоблаганда эса 14,3 кв.м дан 14,6 кв.м га қадар ошган.

Айни пайтда, шуни ҳам эътиборда тутиш лозимки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксалиши билан уй-жой фонди билан таъминланганликнинг ўзи аҳоли фаровонлиги даражаси тўғрисида етарли тасаввур бера олмайди. Бу ўринда уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси, яъни, уй-жой

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

фондининг умумий ҳажмида водопровод, канализация, марказий иситиш воситалари, ванна, табиий газ, иссиқ сув таъминоти кабилар билан жиҳозланган уй-жой майдони улуши аҳамиятли роль ўйнайди.

Уй-жойларни капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишлари кўламини кенгайтириш, аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида шаҳар ва туманларда турар-жой фонди объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларнинг дизайни бўйича ишларни тугал ҳолда, яъни калити билан топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган ихтисослашган хусусий таъмирлаш-қурилиш ташкилотларини тузиш назарда тутилган.

Шу мақсадда турар-жой фондини, унинг идоравий мансублигидан қатъи назар, фойдаланилмаётган авария ҳолатидаги ва эскирган уй-жойларни, кўпқаватли уйлардаги бўш турган хоналарни, жумладан, ётоқхона ва қурилиши тугалланмаган объектларни аниқлаш учун тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш керак. Аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш, бунда мазкур биноларни маҳаллий ҳокимият идоралари тасарруфига беришни кўзда тутиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича конкрет дастурлар ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши пудрат ишларини бажариш учун қўшимча равишда ўн минглаб ишчиларни жалб қилиш, одамларимизнинг уй-жой шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

Ижтимоий инфратузилма объектлари тўғрисида сўз борганда аҳолининг саломатлигини бевосита тикловчи ва таъминловчи муассасалар – касалхоналар, санатория ва дам олиш муассасалари, пансионатлар, санатория-профилакториялар, дам олиш уйлари ва бошқаларни ривожлантириш муҳимлигини эътироф этиш лозим.

Ижтимоий соҳа объектлари қаторида таълим муассасаларининг ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимизда таълим муассасаларини ривожлантириш, уларнинг мазмунини сифат жиҳатидан такомиллаштириш борасида аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада 2007-2011 йиллар

мобайнида мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни қамраб олиш кўрсаткичлари 19% дан 21,2% гача, шу жумладан шаҳар жойларида 36,2% дан 39,5% га, қишлоқ жойларида эса 11,3% дан 13,2% гача ошди.

2012 йилда 767 та (шундан 733 таси ёки 96,5% қишлоқ жойларида) умумтаълим мактаблари, 196 та касб-ҳунар коллежлари, 18 академик лицей фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни тубдан яхшилаш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш масалалари кўзда тутилмоқда.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида кишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалаларини биз юқоридаги бобларда назарий ва айрим тизимларнинг ҳолати бўйича амалий жиҳатдан ўрганиб чиқдик. Ўрганилган билимларга асосланган ҳолда биз тадқиқот соҳамизда юз берган таркибий ўзгаришларни қуйидагича умумлаштиришимиз ва хулоса қилишимиз мумкин:

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб ижтимоий сиёсатни дастурий асосда амалга оширишга киришди. Таълим соҳасида 1996 йилда 2009 йилгача мўлжалланган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, 2004 йилда эса 2009 йилгача мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Дастури қабул қилинди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 1998 йилда 2004 йилгача бўлган даврга мўлжалланган соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Дастури, 2004 йилда болалар спортини ривожлантириш Дастури қабул қилинди.

Коммунал соҳада 1996-2006 йиллар давомида аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури, коммунал соҳада ҳисобга олиш ускуналарини киритиш дастурлари, 1991 йилгача бўлган даврда қурилган кўп хонадонли турар-жой фондини капитал таъмирлаш дастурлари, кўп хонадонли уйларда яшовчи кишиларни, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларини иссиқ сув ва марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминловчи қозонхона иситиш қурилмаларини модернизациялаш дастурлари қабул қилинди ва амалга оширилмоқда.

Кўрсатилган дастурларни амалга оширишдан ташқари, Ўзбекистонда ўзига хос тажриба, яъни ҳар йили жамият диққат-эътиборини махсус танлаб олинган йирик ижтимоий муаммони ҳал этишга қаратиш йўлга қўйилди. Давлат, жамият ва нодавлат ресурсларни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишга сафарбар этишнинг бундай шакли анъанавий бўлиб қолди. 1997 йилдан бошлаб кейинги ҳар бир йил мамлакатда муайян бир

мақсадга бағишланган. Уни ҳаётга тадбиқ этиш учун тегишли мақсадли дастурлар қабул қилинмоқда.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакат 2007 йилнинг бошига келиб қуйидагиларга эга бўлди:

- муайян ёшдаги болаларнинг 100 фоизини ўқитишни қамраб олган 9 йиллик бепул умумий таълим тизими;
- уч йиллик умумий бепул махсус профессионал касб таълими тизими;
- олий таълим тизими;
- олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизими;
- мактаблар, ўрта-махсус ўқув юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш тизими.

Таълим соҳасида ҳал этилмаган муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 5-6 ёшдаги мактабгача тайёрлаш ёшидаги болалар учун мактабгача таълимнинг ҳаммабоп эмаслиги; бу мактабгача ёшдаги болаларнинг мактабда ўқишлари учун бирдай умумий бошланғич таълимини таъминлай олмайди. Мактабгача таълим муассасаларда тарбияланмаётган 5-6 ёшдаги болаларнинг умумий сонидagi улуши 70 фоизни, қишлоқ жойларда эса 87 фоизни ташкил этади. 1-синфга қадам қўядиган болаларнинг умумий сонидa мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилар улуши шаҳарларда 30-35 фоизга, қишлоқ жойларда эса атига 15-17 фоизга тенг;

- мактабгача таълим, мактабдан ташқари таълим муассасалари ва олий ўқув юртлари моддий-техника базасининг пастлиги. Мактабгача таълим муассасаларининг 38,2 фоизи барча қулайликларга эга, 36,4 фоизида капитал таъмирлаш ва 51,9 фоизида жорий таъмирлаш, 21,5 фоизида марказлашган сув таъминотига, 62,6 фоизида канализацияга уланиш талаб этилади. Шаҳар ва қишлоқдаги мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базаларининг ўртасидаги тафовут жуда катта. Охириги 10-15 йил давомида имкониятлари чекланган болалар учун мўлжалланган муассасаларнинг кўпчилигида тиббий жиҳозлар, махсус техника ва бошқа ёрдамчи

воситаларни (махсус кроват ва коляскалар ёзув машинкалари ва «Брайль» қоғози, эшитиш аппаратлари, махсус логопедик зондлар, лупалар, линзалар ва ҳ.к.) янгилаш амалга оширилмади;

- қишлоқ ҳудудларида узоқда жойлашган аҳоли пунктларидан, айниқса, қиз болаларнинг транспорт ва кўп вақтларини сарфлашлари ёки ётоқхонада яшаш харажатлари туфайли ўрта-махсус касб таълимига эга бўлишида қийинлиги.

1998-2011 йиллар давомида Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун шароитлар яратишга йўналтирилган оналик ва болалик масалаларига тамомила янгича концептуал ва амалий ёндошув;

- соғлиқни сақлаш тизимининг тузилиши, унинг инфратузилмасини ривожлантиришга тамомила янгича ёндошувлар. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ислохотларнинг асосий мақсади, илгари мавжуд бўлган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктларини яратишга қаратилган эди. Бу шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам бирламчи тиббий ёрдам олиш учун бир хил шароитлар яратади;

- барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларда аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг тамомила янги тизимини яратиш;

- соғлиқни сақлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Кўрсатилган давр мобайнида мамлакатда ташкил этилган 3100 та қишлоқ врачлик пунктларига бир сменада 135 минг бемор ташриф буюрди, стационарларда даволаниш муддати эса 1997 йилда 24 кундан 2006 йилда 10 кунгача қисқартирилди. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, вилоятлар ва туманларда ўз филиалларига эга бўлган Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази ташкил қилинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминловчи муҳим ижтимоий тармоқ сифатида қуйидаги жиддий муаммоларга дуч келмоқда:

- унинг структурасининг жуда катталиги ва бошқарувнинг мураккаблиги. Тиббий хизматларнинг юқори сифатини таъминлашга қодир бўлмаган яхши жиҳозланмаган даволаш муассасалари сонининг кўплиги. Натижада тармоқни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган бюджет молия ресурслари эҳтиёжни қопламайди, улардан фойдаланиш самарадорлиги паст;

- илгари яратилган ва ўз вақтида яхши жиҳозланган соғлиқни сақлаш муассасалари бугунги кунда диагностика ва даволаш сифатининг юқори бўлишини таъминлай олмайди;

- врачлар малакасининг етарли эмаслиги, шунингдек, тор ихтисослашган врачлар тайёрлашнинг етарли эмаслиги;

- қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш жараёнининг тугалланмаганлиги сабабли узоқ туманларда жойлашган қишлоқлар аҳолиси учун тиббий ёрдам олиш имкониятининг етарли эмаслиги;

- даволаниш имконияти даражасини ошириш, тиббий ёрдамга муҳтожлик сезаётган, лекин кам ёки ўртача даромадга эга бўлган кўплаб фуқаролар учун дори-дармонлар харид қилиш зарурати;

- оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларини камайтириш эҳтиёжи;

- соғлиқни сақлаш тизими аввалгидек профилактик тиббиётга етарли даражада йўналтирилмаган ва маблағларнинг катта қисмини касалхона шароитларда даволаш жараёнларига сарфлайди. Бу мақсадлар учун, умумий харажатларнинг атига 27 фоизи профилактика ва амбулатория-поликлиника муассасалари улушига тўғри келади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бугунги кунгача эришилган натижалар ҳисобланади, бироқ келгусида мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган эҳтиёжларни тўлароқ қондириш ҳамда хизмат кўрсатувчи тизимлардаги мавжуд муаммоларни бартараф қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

1. Таълим хизматларини ривожлантириш йўналишида:

- таълим жараёни ва ўқитиш услубиятининг сифати ва унинг самарадорлигини ошириш, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқитувчилар учун материалларни янгилаш;
- ўқитувчилар малакасини ошириш ва айниқса, қишлоқ жойларда ўқитувчилар таркибини рағбатлантиришни яхшилаш;
- мактаб инфратузилмаси, лаборатория ва бошқа ўқув жиҳозларини мустаҳкамлаш ва яхшилаш;
- таълим мувоффақиятлари ва маблағлардан фойдаланиш ҳисоби ва назоратини яхшилаш;
- умумий касб-ҳунар таълимини бозор эҳтиёжларига тўлароқ йўналтириш, жумладан, битирувчи хотин-қизлар сонини ошириш;
- кам таъминланган оилалардан хотин-қизлар ва ўсмирлар учун олий таълимдан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;
- болаларни мактабга тайёрлашнинг ноанъанавий шакллари, жумладан, қисқа муддатли гуруҳлар, тайёрлов синфлари ва яқшанба мактаблари тармоғини кенгайтириш воситасида мактабгача таълимдан кенгроқ фойдаланиш имкониятларини очиш;
- умумтаълим мактабларида интеграцияланган умумий синфларни жорий қилиш орқали имкониятлари чегараланган ва махсус эҳтиёжарга эга болалар учун яхшироқ таълим сифати ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;
- узлуксиз таълим ва бутун ҳаёт давомида ўқиш учун энг яхши имкониятларни таъминлаш;
- давлат таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш ва уни туманлар миқёсида таркибий қайта қуриш воситасида таълим соҳасига ажратилган давлат маблағларидан самарали фойдаланиш.

2. Тиббий хизматлар йўналишида:

- тиббий ёрдамнинг бирламчи бўғинида, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва мустаҳкамлаш, халқаро стандартларга мос ва ҳамма учун, айниқса аҳолининг заиф гуруҳлари учун имкониятларга эга бўлган

бирламчи тиббий-санитария ва доимий ёрдам даражасида минимал бепул тиббий хизматлар пакетини ишлаб чиқиш

- фаолият юритаётган кўп профилли вилоят касалхоналари ва алоҳида ихтисослашган тиббиёт муассасалари базасида кўп профилли вилоят тиббий ёрдам марказларини яратиш орқали, тиббиёт муассасалари тармоғини бир хилда мувофиқлаштириш. Болалар учун тўлиқ бюджетдан молиялаштирилувчи вилоят тиббий ёрдам марказларини яратиш, ҳар бир вилоят марказида ташхис марказларини ташкил этиш, туман касалхоналари, болалар ва катталар поликлиникалари асосида туман тиббий бирлашмаларини яратиш, шу билан бир пайтда камқувватли, яхши жиҳозланмаган ва самарасиз даволаш муассасаларини тугатиш. Янги ташкил қилинаётган тиббиёт марказлари ва бирлашмаларининг моддий-техника базаси ва жиҳозланишини кучайтириш;
- белгиланган тартибда турли молиялаштириш ва уларнинг моддий-техника базаси ҳамда асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлик даражасини кучайтириш асосида, фаолият кўрсатадиган йирик юқори технологияли ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказларини яратиш бўйича сиёсатни давом эттириш;
- халқаро стандартларга мувофиқ тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ҳамда кўпроқ натижаларга йўналтирилган сертификациялаш ва лицензиялаш тизимини жорий қилиш;
- бирламчи тиббий-санитария ва стационар ёрдам даражасида профессионал талабларга жавоб берадиган билим ва кўникмаларга ўқитиш мақсадида, тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларида таълимнинг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ва янгилаш;
- бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тармоғини кенгайтириш эвазига, ихтисослашган тиббий ёрдам муассасалари ва касалхона ўринлари сонини оптималлаштиришга йўналтирилган соғлиқни сақлаш инфратузилмасини мақсадга мувофиқ уюштиришни давом эттириш;

- стационар ёки кўпроқ ихтисослашган ёрдам талаб қилинадиган миждозларни ўз вақтида йўналтириш мақсадида, вертикал алоқаларни мустаҳкамлаш ва турли даражада соғлиқни сақлашни стандартлаш;
 - халқаро стандартларга мувофиқ, соғлиқни сақлашда ахборот тизимини ривожлантириш ва фуқаролик ҳолати статистикасини мустаҳкамлаш орқали соғлиқни сақлашда менежментни яхшилаш;
 - клиник аудит сифатини таъминлаш воситасида, тиббиёт муассасаларини сертификациялаш ва лицензиялашни жорий қилиш. Клиник аудит, соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд сифат назорати тизимини алмаштириш лозим;
 - дори-дармон сиёсати ва харидларни янада такомиллаштириш. Тиббиёт хизматлари минимал пакетига, ҳаёт учун зарур бўлган асосий дори-дармон воситаларини ҳам киритилиши лозим;
 - вилоят миқёсида маблағларни жамғариш ва бошқариш, маблағларни мос равишда бирламчи тиббий-санитария ва стационар ёрдам миқёсида жон бошига ажратиш ва даволаш ҳолатлари бўйича уйғунлаштириш орқали соғлиқни сақлашни молиялаштиришни такомиллаштириш;
 - молиялаштириш схемаларини суғурта тиббиёти орқали тадбиқ этиш.
3. Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш учун ипотека хизмати йўналишида:
- 2012 йилда турар-жой майдони билан таъминланганликни 14 кв.м.дан 16 кв.м.гача ошириш воситасида оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш;
 - мустақил турар-жойга, айниқса ёш оилаларнинг эга бўлиш имкониятини кенгайтириш;
 - янги уй-жойларнинг сифатли қурилиши ҳисобига ва мавжуд уй-жой фондини капитал таъмирлаш ҳисобига уй-жойлар сифатини яхшилаш;
 - қишлоқ жойларига эътиборни қаратган ҳолда коммунал хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратиш ҳисобига аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш;

- аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини яхшилаш ва барқарорлигини ошириш;
- уй-жой-коммунал хўжалик корхоналарининг молиявий барқарорлигини яхшилаш;
- истеъмол ҳисобини такомиллаштириш ва тақдим этилаётган хизматлар учун тўпланадиган тўловларни ошириш;
- тарифлар даражаси, уларнинг структураси ва белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш;

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар асосидаги тадбирларни амалга ошириш мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасин келгусида аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини зарурий даражага кўтариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Лизинг тўғрисида // Частная собственность. – Тошкент, 2000. - №2. – С. 7.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида // Хўжалик ва ҳуқуқ. – Тошкент, 2000. - №9. – Б. 3.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Банкротлик тўғрисида (янги таҳрири) // Халқ сўзи газетаси. 2003 йил 10 июнь. – Б. 1-3.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Фермер хўжалиги тўғрисида (янги таҳрири) // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2004. - №10. – Б. 7.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида // Ўзбекистон Республикасининг молиявий қонунлари. – Тошкент, 2007. - №1. – Б. 37.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Уруғчилик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида // Халқ сўзи газетаси. 2007 йил 22 декабрь. – Б. 1.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Халқ сўзи газетаси. 2001 йил 13 июнь. - №115. – Б. 1.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Лизинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида // Солиқ тўловчининг журнали. 2002. - №10. – Б. 5.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари

- тўғрисида // Халқ сўзи газетаси. 2003 йил 25 март. – Б. 1.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Халқ сўзи газетаси. 2007 йил 15 март. – Б. 1.
 11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2007. - №29-30. – Б. 299.
 12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида // Солиқ тўловчининг журнали. 2007. - №11. – Б. 3.
 13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Халқ сўзи газетаси. 2000 йил 29 апрель. – Б. 1.

III. Президент асарлари ва маърузалари

14. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш – бош йўлимиз // Халқ сўзи газетаси. 2002 йил 15 февраль. – Б. 1-3.
15. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи газетаси. 2002 йил 30 август. – Б. 1.
16. Каримов И.А. Ислоҳотлар стратегияси ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш // Халқ сўзи газетаси. 2003 йил 18 февраль. – Б. 1.
17. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишлари // Халқ сўзи газетаси. 2003 йил 1 март. – Б. 1.

18. Каримов И.А. Мавжуд салоҳият ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш – муваффақият гарови // Солиқ ва божхона хабарлари. – Тошкент, 2005. - №45. – Б. 1-2.
19. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 82 б.
20. Каримов И.А. Фарғона вилояти кенгашининг сессияси // Халқ сўзи газетаси. 2008 йил 7 март. – Б. 1.
21. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунлари ва 2009 йилда бажариладиган вазифалар тўғрисидаги мажлисида «Мамлакатизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш давр талаби» мавзусидаги маърузаси. – Т.: «Халқ сўзи» газетаси. 2009 йил 14 февраль.
23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи”, 2012.

IV. Илмий асар ва мақолалар

24. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Тошкент: ТДИУ, 2004. – 303 б.
25. Абиркулов Қ. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2004. – 123 б.
26. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари / Х.П.Абулқосимов ва б. – Тошкент: ТДТУ, 2001. – 111 б.

27. Асилбеков Т., Акмалов С. Мулкчилик шаклларига асосланган хўжалик юритиш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. - №10. – Б. 2-7.
28. Жабборов Х. Дехқон хўжаликларини ихтисослаштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2004. - №9. – Б. 10-11.
29. Иминов Т.К. Агроиқтисодиёт . – Андижон: Андижон, 1996. – Б. 118.
30. Курбатов И.Д. Эффективность новых форм хозяйствования // Экон. с.-х. и перераб. предприятий. 1991. - №8. – С. 12-16.
31. Набиев Х., Ғаниев М. Фермер хўжаликлари қишлоқда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг янги шакли // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002. - №7-8. – Б. 44-45.
32. Рафиқов И., Муқимов З. Рақобатга шаймисиз? // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003. - №8. – Б. 30-31.
33. Собир Н. Фақат рақобат муҳитигина муносиб фермерлар ерга эга бўлишини таъминлайди // Халқ сўзи газетаси. 2006 йил 15 декабрь. – Б. 3.
34. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 144 б.
35. Хуррамов А. Фермер хўжаликларини устувор ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2004. - №3-4. – Б. 50-51.
36. Shodmonov Sh.Sh., G'afurov U.V. Iqtisodiyot nazariyasi (darslik). – Toshkent: Fan va texnologiya, 2005. – В. 20.
37. Ҳусанов Р., Жўраев А. Аграр ислохот – иқтисодиётни юксалтиришнинг асосий шarti // Халқ сўзи, 2003 йил март, 1-2-б.

V. Диссертациялар, авторефератлар

38. Раджапов А.А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг фаолиятининг самарадорлиги (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун дис. автореф. – Тошкент: ЎзМУ, 2000. – 20 б.
39. Ғафуров У.В. Дехқон (фермер) хўжаликларининг иқтисодий табиати ва

ривожланиш хусусиятлари. Икт. фан. ном. илм. дар. олиш учун дисс. – Андижон: АДУ, 1995. – 142 б.

VI. Статистик маълумотлар ва ҳисоботлар

40. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Самарали иқтисодий сиёсат маркази. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2004. - №8.
41. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2003. – 188 б.
42. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2004. – 189 б.
43. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2005. – 187 б.
44. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий шарҳ. 2007 йил. – Тошкент: USAID, 2008. – 127 б.
45. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил январь - сентябрь статистик ахборотномаси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 200. – 188 б.
46. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2010. – 190 б.